БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 185 (932)

15 СЕНТЯБРЬ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Туркия Бош Министри А. Мендересга мактуби

СССРнинг Туркиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. С. Рижов 11 сентябрда Туркия Бош Министри Аднан Мендерес жаноблари ҳузурига кириб, унга ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг қуйидаги мазмундаги мактубини топширди:

«Москва, Кремль
1957 йил 10 сентябрь

Ҳурматли Бош Министр жаноблари!

Совет-Туркия муносабатларининг аҳволи учун бўлган масъулиятни ва бу муносабатларни янада яхшилаш зарурлигини англаганим, Сизга қуйидаги мактуб билан мурожаат қилиш заруриятини туғдирди.

Туркия ҳукуматига маълумки, Совет ҳукумати кейинги вақтларда Совет-Туркия муносабатларини яхшилашга ва ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида традицион равишда ўтмишда бўлиб келган ва бизнинг чуқур қаноатимизга кўра совет халқининг ҳам, турк халқининг ҳам ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ишонч муносабатларини Совет Иттифоқи билан Туркия ўртасида ўрнатишга қаратилган бир қанча тадбирларни кўрдик. Бундай яхшиланиш учун ҳар иккала мамлакатнинг доимий ҳаракат қилиши, бунга ҳалақит бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини йўқотишга ҳар икки томоннинг астойдил истак билан ёрдам бериши лозимлигини тушунамиз, шунингдек мазкур мақсадга эришмоқ учун вақт талаб қилинишини ҳам ҳисобга оламиз, токи шу мақсадга қадам-бақадам аста-секин ҳаракат қиладиган бўлайлик. Совет ҳукумати Туркия ҳукумати ҳам бу масалада худди шундай интилади, деб умид қилади.

Шу муносабат билан Совет ҳукумати Якин ва Ўрта Шарқ районида ҳозирги вақтда вужудга келаётган аҳвол ҳақидаги ўз мулоҳазаларини Туркия ҳукуматига ошкора айтиб ўтишни истайди.

Бизнинг фикримизча, иккинчи жаҳон урушидан кейин Якин Шарқ районида рўй берган ўзгаришларнинг моҳияти шундан иборатки, бу район территориясида бир қанча мустақил ва суверен миллий давлатлар вужудга келди, улар ўзларининг давлат мустақилликларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар, улар бу йўлда шак-шубҳасиз муваффақиятларга ҳам эга бўлдилар. Миср, Сурия, Саудия Арабистони, Судан, Ливан ва шу райондаги бошқа давлатлар ташқи кучларнинг қаршилигига қарамай, оқибат натижада ўзларининг қонуний ҳуқуқларини эътироф қилдиришга эришдилар, Туркия ҳам ўз вақтида шундай қилган эди, — бунга шубҳаланиш учун асос йўқ.

Шу районда рўй берган ўзгаришларнинг шу райондаги барча давлатлар учун, шунингдек бошқа тинчликсевар давлатлар учун ҳам ҳеч шубҳасиз, жуда катта ижобий аҳамияти бор, чунки шу райондаги Миср, Сурия, Судан, Ливан ва бошқа шулар сингари янги давлатлар бу районда тинчликнинг, шунингдек умумий тинчликнинг ҳам қўллаб-қувватланишига ва мустаҳкамланишига, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликнинг ривожланишига ниҳоят даражада манфаатдор бўлмасликлари мумкин эмас. Совет Иттифоқи Камол Отатурк замонида Туркияни қўллаб-қувватлаганида ўзи амал қилиб келган принципларга асосланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига тўла мувофиқ равишда мазкур давлатларнинг ҳаққоний миллий истак-орзуларини, уларнинг тинчликсевар сиёсатини қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай беради.

Сиз Бош Министр жанобларига ёзилган шу мактубда шуни яна бир марта айтиб ўтмоқчимизки, Якин ва Ўрта Шарқ районида тинчликни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашга интилишдан бошқа ҳеч қандай алоҳида иқтисодий ёки бошқа манфаатларга эга бўлишга Совет Иттифоқи интилган эмас ва интилаётгани йўқ, шунингдек бу райондаги ҳамма мамлакатларнинг ўз миллий манфаатларига мувофиқ озод ва мустақил яшай оладиган бўлишларига сиёсий манфаатдор бўлишдан бошқа истагимиз йўқ.

Афсуски, Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига катта давлатларнинг ҳаммаси ҳам шу нуқтаи назардан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принципларидан ва мақсадлари нуқтаи назаридан яқинлашмаётирлар. Аксинча, катта давлатларнинг баъзилари Якин ва Ўрта Шарқда, аввало шу районнинг табиий бойликларидан фойдаланиб, ўзларига моддий манфаат чиқариб олиш мулоҳазаларини кўзда тутмоқдалар, бу мулоҳазаларни шу район халқлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосига қуришга интилмасдан, балки шу халқларни мустамлака қилиб эксплуатация қилиш асосида қуришга интилмоқдалар. Баъзи давлатларнинг Якин ва Ўрта Шарқ давлатларининг ишларига қўпол равишда аралашаётганликлари, рўй берган тарихий ўзгаришлар билан ҳисоблашишни истамаётганликлари ҳозирги вақтда шу районда давом қилиб келаётган хатарли кескинликнинг асосий сабабидир.

Совет ҳукумати ҳозирги вақтда шу районда — аввало, Сурия теварагида вужудга келаётган аҳволдан ўзининг ташвишланаётганлигини Туркия ҳукуматидан яшириши мумкин эмас. Маълумки, ўзининг мустақил миллий сиёсатини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Сурия ва Миср ўзоқ вақтдан бери сиртдан қўпол равишда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий тазйиқ ўтказилмоқда. Кейинги ҳафталарда Сурияга бўлган бу тазйиқ хатарли даражада кучайиб кетди.

Америка элчиси Гендерсоннинг яқинда Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига қилган сафари Сурия ички ишларига четдан туриб қурол кучи билан аралашишни ташкил этиш йўлидаги интилишнинг ошкора оқибати бўлди. Маълумки, Гендерсоннинг вазифаси Сурияга қарши фитна уюштиришдан ва Сурияннинг миллий ҳукуматини агдариб ташлаш ва Америка йирик монополияларининг фойдасини кўзлаб ва йирик мустамлакачи давлатларнинг манфаатларига мувофиқ равишда мамлакатдаги бутун аҳволни ўзгартириш воситаларини қидиришдан иборат бўлди.

Сурияга қарши қуролли ҳужум қилмоқ учун АҚШнинг муайян доиралари, аввало, Якин ва Ўрта Шарқдаги Иордания, Ироқ ва, имконият бўлса, бошқа шулар сингари баъзи мамлакатлардан фойдаланмоқчи бўладилар. Бироқ, улар ҳеч бир истисносиз араб мамлакатларининг ҳаммаси Бағдод ҳарбий пактига мойил эмаслиги, мазкур мамлакатлардан баъзиларининг ҳукуматлари сингари мустамлакачиларга малайлик қилишни истамаётганлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлмоқдалар. Шу мамлакатларнинг халқлари ҳам мустамлакачиликдан қутилишга, ўз мустақилликлари ва суверенитетларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга интилаётганликлари ҳаммага аёндир.

Шу муносабат билан Сурияга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юбориш планларида Туркияга муайян роль ажратилмоқдаки, бу ҳақда очиқ гапирмоқдалар. Биз, албатта, бунга ишонишни истамас эдик, лекин иш жуда жиддий бўлганлиги сабабли бу масалада Туркия ҳукуматига мурожаат қилишни ва муайян мулоҳазаларимизни у билан фикрлашишни дозим топдик. Туркиянинг раҳбар арбоблари, афтидан, бу хилдаги планларга мойиллик билдираётганликларини кўрсатувчи белгилар борлиги бизни гоят ҳаяжонлантирмоқда. Турк қўшинларининг Сурия чегараларида тўпланаётганлиги тўғрисидаги, шунингдек Сурияга қарши ҳужумни амалга оширмоқ учун Туркия территориясига Америка қурол-яроғлари юборилаётганлиги тўғрисидаги хабарларни эшитиб, жуда ташвишланганлигимизни яширмаймиз. Чегараларида шу қўшинлар тўпланаётган кичкина қўшин мамлакатга қарши нуқул уйдирмалардан ва игвогарлик чақириқларидан иборат ўтакетган даражада туҳмат кампанияси олиб борилаётган бир вазиятда қўшинлар қандай мақсадлар учун тўпланиши мумкинлигини тушуниб олиш қийинми, ахир.

Бу воқеаларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи учун асло бефарқ эмас, десак бизнинг бу гапимизга Сиз Бош Министр жаноблари, қўшилурсиз, деб ишонамиз. Якин ва Ўрта Шарқ райони совет чегараларига яқинлигини эътиборга олиб ва ўз давлат ҳавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олиб Совет Иттифоқи, табиийдирки, воқеаларнинг шу районда қуролли жанжал бошланиб кетишига олиб кела оладиган даражада ривожланишига кўз юмиб тура олмайди, чунки тинчликнинг бузилиш хавфи фақат шу район доираси билан чекланиб қолмаган бўлур эди.

Совет ҳукумати воқеаларнинг бундай хатарли ривожланишининг олдини олиш барча тинчликсевар давлатларнинг бурчидир, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, Совет ҳукумати Якин ва Ўрта Шарқда тинчликни сақлаб қолиш ниятида, шунингдек умумий тинчликни сақлаб қолиш ниятида Туркия ҳукуматини Сурияга қарши қуролли интервенция сингари оқибатлари хатарли бўлиб чиқадиган ишда қатнашмасликка, Якин ва Ўрта Шарқдаги воқеаларнинг номатлуб йўлда ривожланишининг ва шу районда қуролли жанжал бошланиб кетишининг олдини олишга ёрдам беришга чақириб, жуда дўстона равишда Туркия ҳукуматига мурожаат қилишни истади. Зотан ҳозирги вақтда Сурия теварагида вужудга келаётган хатарли аҳвол фақат Совет Иттифоқинигина эмас, шу билан бирга бошқа кўп мамлакатларни ҳам жиддий ташвишга солиб турибди.

Турк қўшинлари Туркия-Сурия чегарасида тўпланаётганлиги тўғрисида хабарлар келаётганида, бизда, агар туркларнинг чегараларида чет эл қўшинлари тўплана бошласа, улар ўзларини қандай ҳис қилган бўлур эдилар, деган табиий савол туғилади.

Биз шу нарсага гоят аминмизки, агарТуркия Якин ва Ўрта Шарқда тинчлик сақланиб қолишига манфаатдор бўлмаган ва шу район бойликларини эксплуатация қилиш йўли билан ўзлари олаётган фойдаларнинг гаминигина еяётган чет эл доираларининг маслаҳатларига амал қиладиган бўлса, ўз бошига катта бахтсизликлар келтирган бўлур эди. Биз аминмизки, Сурияга қарши уруш ҳаракатлари бошланиб, Якин ва Ўрта Шарқда уруш чиқиб кетган тақдирда, Туркия бундай агрессияда қатнашиш натижасида ҳеч шубҳасиз, фақат шикастланиб қолган бўлур эди, унинг бу райондаги позициясига эса муқаррар путур етган бўлур эди. Туркия иштироки билан бўладиган бундай можаро қандай географик шароитда рўй беришини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Сурияга қарши ҳарбий авантюрани бир амаллаб маълум доирада чеклаб қолиш мумкин, деган режалар, бизнинг фикримизча, хатарли режалардир. Агрессорлар енгилгина ғалаба қозонамиз, деган умид билан уруш бошлаганликларини ва бу урушни бирор муайян доира билан чеклаб қўйиш мумкин деган умид билан уруш қилганликларини кўрсатувчи мисоллар тарихда жуда кўп бўлган. Бироқ, уларнинг бундай умидлари амалга ошмай қола берган эди. Биринчи жаҳон уруши ҳам, иккинчи жаҳон уруши ҳам агрессорларнинг муайян доирадаги уруш ҳаракатлари билан бошланган эди. Лекин бу урушлар агрессорлар учун ҳам, бутун инсоннят учун ҳам қандай оқибатлар келтирганлиги ҳаммага маълум.

Ҳозирги халқаро вазиятни ва айниқса ҳарбий техниканинг ривожланиб бораётганлигини эътиборга олганда, муайян доирадаги ҳарбий можароларнинг катта ҳарбий ёнғинга айланиб кетиш хавфи ҳозирги кунларда жуда кучайиб кетдики, Сиз Бош Министр жаноблари бизнинг бу фикримизга қўшилурсиз, деб ўйлайман. Модомики, бундай районда уруш ҳаракатлари бошланар экан, бу уруш ҳаракатлари истаган вақтда кенг можарога айланиб кетиши мумкин. Ҳозирги ҳолда уруш ҳаракатларини шу район доираси билан чеклаб қолиш қийин бўлади.

Шу сабабли, тинчликни сақлаб турмоқ учун, ўзларининг халқаро муносабатларида давлатларнинг кучқўлланишларини ёки кучқўлланмоқчи бўлиб таҳдид солишларини тақиқлаб қўйган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига кўра ўз зиммаларига олган мажбуриятларга давлатларнинг қаттиқ риоя қилмоқлари учун ҳукуматларнинг раҳбарлари зиммасида айниқса катта масъулият турибди. Бу соҳада енгил-елпи найрангларнинг асло заррача аҳамияти йўқ, албатта. Масалан, ҳозирги вақтда Сурияга қарши уруш ҳаракатлари бошлаб юбориш планларини оқламоқ учун кичкина Сурия давлати «агрессивлик» қилмоқда, деган асли йўқ сохта даъволарни кўтариб чиқмоқдалар, ваҳоланки, Сурия ўзининг миллий ҳуқуқларини, ўзининг мустақиллигини ҳимоя қилаётир, холос. Сурия Якин ва Ўрта Шарқдаги ўз ёки бу давлатнинг ҳавфсизлигига таҳдид солиши мумкин, деб тарафкашлик билан қилинаётган даъволарни ҳеч ким жиддий бир нарса деб ҳисоблаши мумкин эмас. Биз Бош Министр жаноблари, бунга ишона беринг. Бизнинг фикримизча, шундай даъволарни қилаётганларнинг ўзлари ҳам бу даъволарга ишонмасалар керак.

Пировардида, Бош Министр жаноблари, мен Совет ҳукумати номидан Туркия ҳукуматини ишонтириб яна шуни айтмоқчиманки, Совет Иттифоқи Туркия билан яхши дўстона, яхши қўшничилик муносабатларини давом эттиришни астойдил ва қизғин суратда истайди, холос. Ҳозирги Туркиянинг асосчиси Камол Отатурк мустақил Туркия байроғини дадил кўтариб чиққан ва бу байроқ бутун Шарқда Шарқ халқларини мустамлакачилардан озод қилиш ва мустақиллик байроғи бўлиб ярқираган вақтларни биламиз. Совет Иттифоқи Туркиянинг содиқ дўсти сифатида унга биринчи бўлиб қўл чўзган эди, ва унга ўша шароитларда мумкин бўлган ҳамма ёрдам ва мададни берган эди. Ўша вақтларда Совет-Туркия дўстона муносабатлари Якин ва Ўрта Шарқда тинчликни мустаҳкамлаш ишида, шунингдек мустақил Туркия давлатини мустаҳкамлаш ишида анчагина роль ўйнаган эди. Биз, бу шонли традицияларга тўла ҳурмат билан ва тушуниб қараб келмоқдамиз, чунки бу шонли традицияларни эсимизда яхши сақлаб келмоқдамиз ва давом эттиришни истаймиз. Туркияга ва турк халқига нисбатан бўлган яхши ҳислар, шунингдек Якин ва Ўрта Шарқда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик мени шу мактубни ёзишга даъват қилди.

Туркия ҳукумати юқорида айтилган мулоҳазаларни тўла эътибор бериб кўриб чиқади, деб умид қиламиз ва биз ҳам Туркия ҳукуматининг Якин ва Ўрта Шарқда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш вазифаси билан боғлиқ бўлган масалаларга доир мулоҳазаларини ўрганишга тайёрмиз, чунки ҳозирги вақтда бу вазифа мустаҳкам умумий тинчликни таъминлаш учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Самимий ҳурмат билан

Н. БУЛГАНИН.

Туркия Бош Министри
Аднан Мендерес
Жаноб Олийларига
Анқара шаҳри».

Бош Министр А. Мендерес мактубни қабул қилиб олиб, уни Туркия ҳукумати ўрганиб чиқади, шундан сўнг мактубга жавоб берилади, деб айтди.

Матбуот, радио ва телевидение ходимларининг шарафли бурчи

Якинда бўлиб ўтган Ўзбекистон матбуот, радио ва телевидение ходимларининг съезди республикамиз сиёсий ва маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Съезд тарихий шароитда — совет кишилари КПСС XX съездининг қарорларини мисли кўрилмаган ижодий ғайрат билан амалга ошираётган ва умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллиги шарафига мусобақани кун сайин кучайтириб, меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларни ўлга киритаётган бир шароитда ўтди.

Съездда республикамизнинг барча область ва районларидан ҳамда қардош иттифоқчи республикалардан келган матбуот, радио ва телевидение ходимларининг вакиллари қатнашдилар. Съезд делегаталари ўз фикрлари ва ижодий планлари билан ўртоқлашдилар, КПСС XX съездининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун энг зарур масалаларни қай тарзда кўтариб чиқиш, ишимиздаги камчиликларни ўзларининг дадил ва ўткир қаламлари билан фош этиб, соғлом, принципиал танқидни янада ривожлантириш ҳақида бамаслаҳат бир фикрга келдилар.

Съездда шу нарса мамнуният билан қайд қилиб ўтилдики, ленинча доно миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида СССРда яшовчи бошқа қардош халқлар сингари ўзбек халқи ҳам Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлиги остида ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётида катта муваффақиятларга эришди. Ўзбекистонда матбуот ҳам кун сайин эмас, соат сайин ўсмоқда. Чинакам халқчил, таъсирчан матбуотимиз кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлиб қолди.

Съездда матбуотнинг саноатни, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, меҳнаткашлар моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш учун курашлари ролига ғоят катта эътибор берилди, ўз сафларида ишчилар синфи колхозчи-деҳқонлар ва совет интеллигенсиясининг илғор кишиларини бирлаштирган ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракатининг тўхтовсиз ўсиб бораётганлигини кўрсатувчи маълумотлар келтирилди.

Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш юзасидан ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларининг умумхалқ муҳокамаси кунларида газета ва журналларимиз омма билан алоқани анча кенгайтирди, хўжалик қурилишининг муҳим масалаларини кўтариб чиқди. Иқтисодий-маъмурий районларда Халқ хўжалиги кенгашлари тузилгандан кейин ҳам газеталарда эътиборга сазовор бўладиган кўпгина материаллар ёритилди.

Лекин шу билан бирга съездда газеталар ва радио орқали саноат ва қурилишни бошқаришни қайтадан ташкил этиш, Халқ хўжалиги кенгашларининг фаолияти, уй-жой қурилиши, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш масалалари ҳамда маиший темаларнинг ёритилиши етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

КПСС XX съездидан кейин газеталарда идеология масалаларини ёритиш, марксча-ленинча иқтисодий назарияни пропаганда қилиш бирмунча яхшиланди. Бироқ бу темадаги материаллар ҳали ҳам аҳёнаҳёнда, баъзан илгаригидек юзаки ёритилмоқда. Шунингдек съездда кўпгина газеталарнинг маданий қурилиш масалаларига ҳам етарли эътибор бермаётганликлари кўрсатилди. Шу жумладан «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида мактаблар, олий ўқув юртлари, илмий-текшириш муассасаларининг фаолияти камдан-кам ёритилаётганлиги ҳам жуда тўғри танқид қилинди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, матбуот бошқа ҳамма соҳа каби маданий қурилиш масалаларини ҳам мунтазам ёритиб бориши керак.

Съездда танқидни бўғиш фактлари, айрим жойларда ишчи-қишлоқ мухбирларининг матбуотда босилиб чиққан танқидий материаллари учун уларни таъқиб қилиш фактлари ҳам содир бўлаётганлиги айтиб ўтилди. Шу билан бир қаторда матбуотнинг танқидий сигналлари билан ҳисоблашмаётган, танқидий материали учун ишчи ва қишлоқ мухбирларини қувғин қилаётган раҳбарларни қаттиқ жазолаш керак, деган жуда тўғри талаблар қўйилди. Газеталар бундан кейин ҳам бюрократизм, маҳаллийчилик, консерватизм ва қолоқлик кўринишларини кескин танқид қилмоқлари лозим.

Сўнгги вақтда республикамизда радио ва телевизион эшиттиришларнинг сифати бирмунча яхшиланган бўлса ҳам, уларнинг музика эшиттириш репертуари ҳали ҳам кенг кўламда эмас, эшиттиришларнинг ғоявий-бадиий савияси паст. Радио ва телевидение ходимлари ўзларига нисбатан қаттиқ талабчан бўлишлари, янги, ёрқин композициялар, спектакллар, концертлар яратишда кўпроқ ташаббус кўрсатишлари лозим.

Съезд матбуот, радио ва телевидение ходимларига, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг кўпминг қишлоқ армиясига мурожаат қилиб, уларни бундан буён ҳам марксизм-ленинизм ўлмас ғояларининг оташи пропагандисти бўлишга, коммунизм тўла ғалабаси учун толмас курашчи бўлишга чақирди.

Коммунистик партия кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббускорлигини ва активлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга даъват қилмоқда. Саноат корхоналари қаётини, уй-жой ва маданий қурилиш, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш ва механизациялаштириш масалаларини чуқурроқ, ёрқин ва мазмунли ёритиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, бу соҳадаги камчиликларни ўткур, принципиал танқид остига олиш, новаторларнинг мақолалари ва мулоҳазаларини тез-тез эълон қилиб бориш — матбуот, радио ва телевидение ходимларининг бевосита бурчидир.

Матбуот ва радио ишчи-қишлоқ мухбирларидан иборат ўзининг жуда катта армиясига таяниб ишлагандагина ўз вазифасини бажара олади. Шунинг учун ҳам редакциялар ишчи-қишлоқ мухбирлари билан кун сайин алоқа қилиб туришлари, хатлар, хабарлар ва мақолаларни тайёрлашда уларга ёрдам беришлари, деворий газеталар, кўптиражли газеталар тўғрисида обзорлар бериб боришлари, ўз мухбирларининг семинарлари ва кенгашларини ўтказиб туришлари, уларга адабий маҳорат ўргатишлари керак. Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг хат-хабарлари ва мулоҳазаларига газета саҳифаларидан кенг ўрин бериш, айрим газета ходимларининг редакция почтасига бюрократларча муносабатда бўлишини тугатиш зарур.

Ҳозир областимиз 500 минг тонна пахта учун курашнинг масъулияти даврига кирди. Матбуот ва радио йиғим-теримнинг боришини кенг ёритиши, пахтакорларнинг шу кунлардаги фидокорона меҳнатини ёрқин ва ҳаққоний акс эттириши, нобудгарчиликка ва етилмаган пахтани теришга қарши курашга алоҳида эътибор бериши керак. Партиямиз томонидан аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш бўйича АҚШга яқин йиллар ичида етиб олиш юзасидан қўйилган вазифани ҳал этишда матбуот катта роль ўйнаши лозим.

Матбуот олдига қўйилаётган юксак талаблар редакциялардан газеталарнинг ғоявий ва бадиий савиясини тинмай ошириб бориши талаб қилади. Съезд қатнашчиларининг мурожаатида айтилганидек: **Биз яратувчи халқ, ижоднор халқ бўлган совет халқига хизмат қилишдек, совет халқи учун ёзишдек, бу халқ тўғрисида, бу халқнинг замондошларимиз фахрланадиган ва авлодларимиз қойил қоладиган шонли ишлари тўғрисида ёзишдек буюк шарафга муяссар бўлдик. Шу шарафга муносиб бўлайлик, совет матбуоти олдида турган вазифалар юксаклигида турайлик.**

Меҳнат совғалари



Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармасига қарашли Чкалов номли заводда «Восток» маркали янги холодильник конструкцияси ишлаб чиқилди. Бу холодильникнинг бошқа маркадаги барча холодильниклардан фарқи шундаки, у электр токи билан ҳам, газ ва керосин билан ҳам ишлайверади.

Корхона коллективи Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида байрамгача янги холодильникларнинг дастлабки партиясини ишлаб чиқаришга қарор қилди. **Суратда:** (ўнгдан чапга) корхона инструменталь цехининг бошлиғи **С. Тен**, бош конструктор **М. Брославский** ва электромеханик **Ш. Кабиров** ўртоқлар синаб кўрилган «Восток» холодильнигининг агрегатини кўздан кечирмоқдалар.

В. Нудлер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Йиллик план ортиғи билан бажарилди

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган Сирдарё машина-экскаватор станцияси механизаторлари ишлаб чиқаришда катта ғалабаларни қўлга киритмоқдалар.

Меҳнатни тўғри тақсимлаш, машиналаб қувватидан унумли фойдаланиш натижасида район колхозларида ертупроқ ишларини бажараётган экскаватор бригадаларининг бешалови 8 ойдаёқ йиллик планни ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлди. В. Вобликов бошчилигидаги 9-257 маркали 156-экскаватор экипажи аъзолари ўтган 8 ойда 55 минг кубометр ўрнига, салкам 80 минг кубометр ҳажмида ер-тупроқ ишларини бажардилар. Коммунист А. Таранок бошчилигидаги РБ-19 маркали экскаватор экипажи ҳам йиллик планни 117 процент қилиб бажарди.

Йиллик топшириқни муддатидан 4 ой олдин бажаришга муваффақ бўлган станция экскаваторчилари 7 ноябргача 1958 йилнинг биринчи квартали планини ҳам бажариш учун курашмоқдалар.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Каноп ва жут тайёрлаш плани 115 процент бажарилди

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини муносиб совға билан кутиб олиш учун курашаётган Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» колхозининг аъзолари ва механизаторлари социалистик мусобақани ҳар томонлама кучайтириб, ҳамма майдонларда каноп-жутдан мўл ҳосил етиштирдилар.

Луб экинлари ўрим-йиғимини ғоят уюшқоқлик билан олиб бораётган колхозчилар, механизаторлар шу йил 8 сентябрь куни давлатга каноп ва жут топшириш планини бажардилар. Ҳозиргача пландан ташқари яна 15 процент миқдорида маҳсулот топширилди. Аммо колхоз далаларида ҳали ҳосил кўп. Колхозчилар ва механизаторлар қолган ҳосилни ҳам тез кунларда йиғиштириб олиш ва ҳар гектар ҳосилни 100 центнерга етказиш, шу билан бирга давлат планини 180 процент қилиб бажариш мажбуриятини олдилар. Йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда.

13 сентябрь куни райондаги «Политотдел» колхози ҳам давлатга 6043 тонна каноп-жут топшириб планни 102 процент адо этди. Улуғ Октябрь 40 йиллиги шодиёна кунларини меҳнатда зўр ғалабалар билан кутиб олиш учун курашаётган бу колхоз аъзолари ҳам бу йил давлатга маҳсулот топшириш планини 180 процентга етказиб адо этиш юзасидан мажбурият олдилар.

Р. ДАУТБЕКОВ.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 14 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Пискент	4,21	0,81	Верхне-волинск	1,69	0,42
Бекобод	3,17	0,79	Оққўрғон	1,68	0,50
Ўрта Чирчиқ	3,15	0,65	Октябрь	1,58	0,46
Бўка	2,51	0,66	Ўртасарой	1,47	0,41
Орджоникидзе	2,51	0,64	Гулистон	1,31	0,61
Юқори Чирчиқ	2,30	0,52	Мирзачўл	1,28	0,49
Бўстонлиқ	2,22	0,89	Калинин	1,19	0,29
Оҳангарон	2,20	0,68	Чиноз	1,17	0,39
Боёвут	2,18	0,51	Қуйи Чирчиқ	0,73	0,20
Сирдарё	2,15	0,46	Янгийўл	0,70	0,27

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 14 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
1-«Фарҳод»	6,86	0,26	Киров номли	1,50	0,47
3-«Оҳангарон»	6,67	1,33	Булганин номли	1,41	0,44
«Дружба»	5,60	0,65	1- «Боёвут»	1,32	0,36
6-«Кўкорол»	5,54	1,50	«Малик»	1,09	0,18
4-«Вревский»	3,96	1,46	«Оққўрғон»	1,02	0,40
«Пискент»	3,68	0,73	«Гулистон»	1,02	0,36
«Чаноқ»	3,01	0,83	3- «Боёвут»	0,86	0,26
2-«Далварзин»	2,71	0,66	Бушуев номли	0,79	0,79
«Социализм»	2,52	0,45	«ЎзССР Бешйиллиги»	0,73	0,20
1-«Далварзин»	2,31	0,68	«Мирзачўл»	0,39	0,25
1- «Оҳангарон»	2,00	1,33	2-«Оҳангарон	—	—

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, композитор Толибжон Содиқовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР халқ артисти, композитор Толибжон Содиқовнинг музика санъатини ривожлантириш ва музикачи кадрлар тайёрлашдаги катта хизматларини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳамда Ўзбекистон Композиторлар союзининг Тошкент шаҳар Киров районидаги етти йиллик музика мактабига Толибжон Содиқов номини бериш тўғрисидаги илтимосини қондирди. Бу мактаб бундан буён «Содиқов номидаги етти йиллик музика мактаби» деб аталади.

Ўзбекистон Маданият министрлигига ва Ўзбекистон Композиторлар союзига 1958 йилда Т. Содиқов асарларини тайёрлаб, нашр этиш топширилди.

Ўзбекистон Композиторлар союзига Т. Содиқов қабри устига ҳайкал ўрнатиш топширилди.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ—УМУМХАЛҚ ИШИ

☆ ☆

Катта қулайлик туғдирилди

Горький шаҳри меҳнаткашларининг ташаббусига қўшилган Фрунзе районидаги корхоналарининг ишчи ва хизматчилари коллектив равишда ўзларига уй-жой бинолари қурмоқдалар. Корхоналар ва ташкилотлар ишчи ва хизматчиларнинг иштироки билан қуриладиган уй-жойларга кўплаб қурилиш материаллари, пул маблағлари бермоқда.

Тўқимачилик комбинатида, карборунд заводида, пойафзал фабрикасида, гўшт комбинатида, район халқ маорифи бўлимида ишчи ва хизматчилар учун хўжалик йўли билан кўпгина уй-жой бинолари қурилмоқда. Айниқса бу соҳада «Таштекстильмаш» заводи партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда маъмурияти томонидан қилинаётган иш диққатга сазовордир. Завод ишчи ва хизматчилари горькийликлар методи асосида 400 ўринли 4 қаватли ётоқхона биноси қурилишини бошлаб юбордилар. Ётоқхона қурилишида деярли ҳамма цехнинг ишчилари актив қатнашмоқдалар. Улар ҳар куни смена ишини тугаллагач, ўзлари учун қурилаётган бу объектга келиб, 2-3 соатдан ишлаб қайтадилар. Бу ётоқхона қурилишини ноябрь ойигача тамомлаш учун кураш куч сайин қизгин тус олмоқда.

Завод маъмурияти ва партия ташкилоти корхонада коллектив равишда якка тартибда уй-жой қурилишини кучайтириш мақсадида қурувчилар комиссиясини тузди. Комиссия составида 7 киши бўлиб, улар уй-жой қурилишига доир масалалар билан, чунончи: ер участкаси ажратиб бериш, ишчи кучини қурилиш объектларига тақсимлаш, материал етказиб бериш, бинокорлар меҳнатини уюштириш ишлари билан шуғилланмоқдалар. Ўртоқ Конавалов раислигидаги бу комиссиянинг ташаббуси билан яқинда 2 қаватли 24 квартирали уй-жой қурилиши бошланди. Бунга заводдаги ишчилардан 30 киши актив қатнашмоқда. Биттан уйлар биринчи галда қурилишда актив қатнашган ишчи ва хизматчиларга берилади. Қурилиш учун керак бўлган эшик, рам ва бошқа дурадгорлик материалларининг ҳаммаси корхона дурадгорлик цехида тайёрланмоқда.

Бу йил корхонада уй-жой қурилишига бир миллион юз минг сўмга яқин маблағ сарфланади.

— Завод маъмурияти, — деди корхона касаба союз комитетининг раиси Ўртоқ Виноградов, — ишчиларнинг якка тартибда уй-жой қуришлари учун ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳаммаси бўлиб 157 киши якка тартибда уй қураётир. Уларга 200 минг донага яқин ғишт, 250 кубометр тахта, анчагина гарбил тахта, 16,5 тонна туника ва бошқа қурилиш материаллари берилди. Корхонада олиб борилаётган капитал қурилиш объектларида ресурс ва маблағларнинг тежаб-тергаб сарфланиши натижасида ана шу материаллардан қурувчиларга ёрдам бериш имконияти тугилди.

— Эндиликда, — деди корхона директори Ўртоқ Проскуряков, — бизга касаба союз ташкилотлари билан келишиб корхона фонди ва директор фонди маблағларининг, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганда олинадиган мукофотларнинг 70 процентига қадар, пландан ташқари олинган фойданинг 30 процентигача бўлган маблағдан ходимларимизга уй-жой қуриш учун қўшимча равишда фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу жуда катта тадбири кишиларимизни уй-жой билан таъминлаш проблемасини тезда ҳал этиш имкониятини беради, ходимларимизни унумли ва сифатли ишлашга даъват этади.

М. ГОЗИЕВ.

Янги уй-жойлар кўпаймоқда

Янгийўл районидаги «Москва» колхозида ҳар йил пахтадан юқори ҳосил олиш билан бир қаторда, колхозчилар ва янги хўжаликлар учун уй-жойлар қуриш ҳам тобора ортиб бормоқда. Колхозда ўтган йили 25 та типовой уй қурилиб фойдаланишга топширилган эди.

Бу йил колхоз правлениесининг ташаббуси билан 50 та янги хўжалик учун типовой 2 хонадан иборат уй-жой қуриб бериш планлаштирилган эди. Колхоз бўлинмас фондидан умумий қурилишлар учун 2,5 миллион сўм пул ажратилди. Шу жумладан уй-жой қурилишига ёрдам тариқасида қишлоқ хўжалик банкасидан узоқ муддат мобайнида тўлаш шарти билан 740 минг сўм ссуда олиш ҳам планлаштирилди. Қишлоқ хўжалик давлат банкаси қурилиш материаллари учун ўз вақтида пул ўтказиб турибди.

Колхозда 150 бош сигир сигадиган молхона, 130 бош от учун отхона, галла омбори, чойхона, магазин, ошхона қаби янги биноларнинг кўпчилиги ҳозир фойдаланишга топширилди.

Колхозчилар учун қурилаётган уй-жойлардан 20 таси қурилиб бўлди, қолган 30 таси эса битиш олдида турибди.

Қурилиш ишларини ҳар томонлама яхшилаш мақсадида колхоз правлениеси алоҳида қурилиш бригадаси тузди. Район матлубот союзи нарядидан ташқари РСФСРдан 251 кубометр ёғоч келтирилди. Колхозда маҳаллий бинокорлик материалларини тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу ерда ёғочни арралаш, тахта тилиш, пармалаш ва бошқа ишлар механизация ёрдамида бажарилмоқда.

Шунингдек, райондаги кўпчилик колхозларда ҳам қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Масалан, Петров номли колхозда қурилиш ишлари жадал суръат билан олиб борилмоқда. Бу ерда планда кўрсатилган 20 та типовой бинодан 15 таси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яқинда тракторчи Қайим Мирзаев, звено бошлиқларидан Анвар Холтоев ва Икром Мамазиявлар ойлаги ҳам янги уйларга кўчиб киришдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР да уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини кўп қатори Янгийўл район меҳнаткашлари ҳам зўр ғайрат билан амалга ошириш учун курашмоқдалар.

Ҳ. ЭРАЛИЕВ.

Яқинда Тошкентдаги Қизил партизан кўчасида 2 қаватли уй-жой биноси фойдаланишга топширилди. Кўп қатори «Водоканал» трестининг ходими Сергей Мясников ҳам ўз оиласи учун квартира олди. **Суратда: С. Мясников** ўз оиласи билан янги квартирада.

Р. Нишонов ва М. Турсунхўжаев фотоси.

Буюк ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб...

Ўжар ва дайди шамол макони бўлган Фарҳод тоғи этакларида Улуғ Ватан уруши йилларида қурила бошланган ва тез фурсатда шаҳар тусини олган Бекобод йилдан-йилга юксалиб, обод бўлиб бормоқда.

Шаҳарни ободонлаштириш ва уй-жой қурилишини кенгайтириш учун давлатимиз йил сайин кўпроқ маблағ ажратмоқда. Ўтган йили давлат йўли билан 5 миллион 806 минг сўм пул сарфланиб, 4 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қурилган бўлса, бу йил шу мақсад учун 9 миллион 290 минг сўм, яъни ўтган йилдагидан 3 миллион 682 минг сўм кўп маблағ ажратилди. Шунингдек, маданий-маиший хизмат кўрсатадиган объектлар қурилиши учун ҳам бу йил 1956 йилдагига қараганда 1,5 баравар эвёд капитал маблағ чиқарилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатимизда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги қарори шаҳримиз меҳнаткашларини ғоят хурсанд қилди. Металлург ва энергетиклар, цементчи ва асботрубачилар, пахта тозаловчи ва бинокорлар ҳамда бошқа касб эгалари бу қарорда белгилаб берилган тадбирларни амалга ошириш учун кучларигакуч, ғайратларига-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, цемент заводи ишчи ва хизматчилари учун иккита 8 ва 14 квартирали уй-жой биноси, металлурглар шаҳарчасида ўрта мактаб ва 400 ўринли клуб биноси, асботрубачилар учун 16 квартирали уй-жой биноси, шаҳар марказида қурилаётган кишки кинотеатр биноси тез қуриб битказилди.

Шаҳримизда якка тартибда уй-жой қуриш ҳам борган сари ривожланиб бормоқда. Ўтган йили 224 хўжалик якка тартибда ўзига уй қуриб олди.

Меҳнаткашлар депутатлари Бекобод шаҳар Совети 1950 йилдан 1957 йилнинг сентябрь ойига қадар якка тартибда уй-жой қурувчиларга 2200 дан ортиқ ер участкаси ажратиб берди. Шу жумладан металлургия заводи ходимлари учун 1145 участка берилди. 1957 йил бошидан бери 500 га яқин ер участкаси ажратиб берилган бўлса, шу кунгача 350 дан ортиқ хўжалик иморат қуриб олди ва янги уйга кўчиб кирди. Якка тартибда уй-жой қурувчиларга ўзлари ишлаётган корхона ёки муассаса маъмурияти қиқиндан ёрдам бермоқда. Фақат металлургия заводининг маъмурияти ўтган 7 ой давомида мана шундай кишилар учун 300 кубометрга яқин ёғоч ва тахта, 350 та темир синч, 20 минг донадан кўпроқ черепица, 4500 тахтага яқин шифер берди. Цемент заводи маъмурияти эса кўплаб бинокорлик материаллари бериш билан бирга 100 минг сўмдан кўпроқ ссуда берди.

Янги қарорда Горький шаҳри ва бошқа бир қанча шаҳарлардаги саноат корхоналари ҳамда ташкилотлар ишчилари ва хизматчиларининг ўз кучлари билан уй-жой қуриш соҳасидаги ташаббуси уй-жой шароитини тезликда яхшилаш йўлидаги умумхалқ ҳаракатининг бошланғичи сифатида, социалистик онглиликнинг юксалганлигини кўрсатувчи намуна сифатида маъкуллансин дейилган. Бу ажойиб ташаббус қурилиш муддатларини қисқартириш ва қимматини камайтириш учун ҳамма ерда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган энг яхши намунадир. Афсуски, мана шу энг қулай метод бизнинг шаҳарда етарлича қўлланилмаётир. Горькийликлар методи бутун мамлакатга тарқала бошлаган дастлабки пайтда шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ва корхоналарнинг раҳбарлари бу янгиликни ўрганишга жиддий киришдилар ва Горький шаҳрига шаҳар коммунал хўжалик бўлимининг собиқ мудири Ўртоқ П. Чипелинкони коллектив бўлиб уй-жой қуришни ташкил этишнинг форма ва усулларини муфассал ўрганиб келиш учун юборди. Ўртоқ Чипелинко у ерга борий, бир қанча қурилиш объектларида бўлди, ишни ташкил этиш, меҳнатни уюштириш каби масалаларнинг қандай ҳал этилишини ўрганди. Қайтиб келгач, шаҳардаги ҳамма қурилиш ташкилотларида ва саноат корхоналарида комитетининг секретари Ўртоқ Жўрабоев ва пленумнинг бошқа қатнашчилари ўз сўзларида шуни ҳам айтиб ўтдилар ки, республикадаги кўпгина колхозлар ва совхозларнинг комсомол ташкилотлари ёшлардан тузилган барча бригадалар ва звеноларнинг ғўза ривожланишидаги қолоқликни тугатишларига муваффақ бўла олмадилар. Кўп мингчи ёш теримчиларнинг тажрибалари ҳали ҳам тузук ёйилмаётир. Қишлоқ ёшлари орасида оммавийсиёсий ишларнинг савияси паст. Кўпгина комсомол ташкилотлари теримчи ёшларга маиший хизмат кўрсатишга эътибор бермаётирлар, уларнинг юксак даражада унумли ишлашлари учун нормал шароит яратиб бермаётирлар.

Пленумда уқтириб айтилдики, пахтани ўз вақтида териб олиб, уни нобуд қилмай давлатга топшириш ва шу тарика Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашга ёшларнинг бутун кучини сафарбар қилиш ҳозир Ўзбекистон комсомол ташкилотининг энг муҳим вазифасидир. Бу вазифани бажармоқ учун ҳар бир ёш теримчи 7 ноябргача камида 7 тонна пахта териб бериши, республика шаҳарларида теримга жалб қилинган ҳар бир ишчи ва хизматчи камида 2-3 тонна пахта териб бериши лозим.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ўртоқ Хоназаров пленумда сўзга чиқиб айтдики, ҳозир республикада 20 мингта терим машинаси бор. Бироқ, бу машиналардан етарлик фойдаланилмаётир. Комсомол ташкилотлари пахтани машинада териш учун актив курашишлари керак. Горизонтал-шпинделли терим машиналарида ишлаётган механик-ҳайдовчи ёшлар бир мавсумда 90-100 тонна пахта териб беришлари, вертикал-шпинделли машиналарда ишлаётган механик-ҳайдовчи ёшларнинг ҳар қайсиси эса камида 50-60 тонна пахта териб беришлари лозим.

Пленумда қишлоқ ёшларининг ҳаммасини пахта теришга тортиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Теримчилар мусобақаси ҳар кун якунланиб туриши керак. Комсомол ташкилотлари меҳнат интизомини ошириш учун курашишни кучайтиришлари лозим. Ҳар бир колхозда кўп мингчи теримчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш мактаблари ташкил этиш зарур.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Камолов нутқ сўзлади.

Пленум ўзи қабул қилган қарорда Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдиришга чақириб, барча пахтакор ёшларга мурожаат қилган энг яхши кўп мингчи теримчиларнинг ташаббусини қизғин маъқуллади. Пленум область ва район комсомол комитетларига, шунингдек комсомол бошланғич ташкилотларига республика кўп мингчи теримчи ёшларининг Мурожаатини барча теримчи ёшлар орасида кенг тушунтириш вазифасини топширди. Мусобақа илғорларини рағбатлантирмоқ учун область, район комсомол комитетларида кўчма Қизил байроқлар ва вимпеллар таъсис этишга ҳам қарор қилинди. Пленум пахта нобудгарчилигига қарши кескин курашиш зарурлигига алоҳида эътиборни жалб қилди ва шу муносабат билан нобудгарчиликка қарши курашиш отрядлари ва контроль постлар тузишни тавсия қилди.

Шу билан бирга, пленум республика комсомол ташкилотида комсомол кадрларини танлаш, жойжойига қўйиб ишлатиш ва тарбиялаш ишларининг аҳволи ва бу ишларни яхшилаш тадбирлари масаласини ҳам муҳокама қилди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми

13-14 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

«1957 йил пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлаш ишларини ўтказиш ҳамда республика комсомол ташкилотининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Муртазаев доклад қилди.

Докладда ва музокарага чиққанларнинг сўзларида шу нарса айтиб ўтилдики, республика ёшлари бу йил давлатга 3 миллион тонна пахта топшириш тўғрисида олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда актив қатнашмоқдалар. Қишлоқ ёшлари барча пахтакорлар билан бирликда фидокорона меҳнат қилиб, колхоз ва совхоз далаларида мўл ҳосил етиштирдилар. Бу йил чигит экишда 4 мингга яқин комсомол-ёшлар агрегатлари экипажи ишлади, маҳаллий ўғитлар тайёрлаш ва ташиб олиш юзасидан махсус бригада ва звенолар ташкил этилди. Шу бригадалар ва звеноларнинг кучи билан қарийб 5 миллион тонна ўғит ташиб олинди, 6.400 тадан кўпроқ ғўғ-хона қурилди.

Комсомол ташкилотларининг пахта учун курашда актив қатнашганликлари натижасида олинган мажбуриятларни бажаришни таъминлайдиган миқдорда ҳосил етиштирилди.

Қашқадарё ва Наманган область комсомол комитетларининг секретарлари Ҳақбердиев ва Отабоев Ўртоқлар Ҳазорасп, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Жўрабоев ва пленумнинг бошқа қатнашчилари ўз сўзларида шуни ҳам айтиб ўтдилар ки, республикадаги кўпгина колхозлар ва совхозларнинг комсомол ташкилотлари ёшлардан тузилган барча бригадалар ва звеноларнинг ғўза ривожланишидаги қолоқликни тугатишларига муваффақ бўла олмадилар. Кўп мингчи ёш теримчиларнинг тажрибалари ҳали ҳам тузук ёйилмаётир. Қишлоқ ёшлари орасида оммавий-сиёсий ишларнинг савияси паст. Кўпгина комсомол ташкилотлари теримчи ёшларга маиший хизмат кўрсатишга эътибор бермаётирлар, уларнинг юксак даражада унумли ишлашлари учун нормал шароит яратиб бермаётирлар.

Пленумда уқтириб айтилдики, пахтани ўз вақтида териб олиб, уни нобуд қилмай давлатга топшириш ва шу тарика Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашга ёшларнинг бутун кучини сафарбар қилиш ҳозир Ўзбекистон комсомол ташкилотининг энг муҳим вазифасидир. Бу вазифани бажармоқ учун ҳар бир ёш теримчи 7 ноябргача камида 7 тонна пахта териб бериши, республика шаҳарларида теримга жалб қилинган ҳар бир ишчи ва хизматчи камида 2-3 тонна пахта териб бериши лозим.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ўртоқ Хоназаров пленумда сўзга чиқиб айтдики, ҳозир республикада 20 мингта терим машинаси бор. Бироқ, бу машиналардан етарлик фойдаланилмаётир. Комсомол ташкилотлари пахтани машинада териш учун актив курашишлари керак. Горизонтал-шпинделли терим машиналарида ишлаётган механик-ҳайдовчи ёшлар бир мавсумда 90-100 тонна пахта териб беришлари, вертикал-шпинделли машиналарда ишлаётган механик-ҳайдовчи ёшларнинг ҳар қайсиси эса камида 50-60 тонна пахта териб беришлари лозим.

Пленумда қишлоқ ёшларининг ҳаммасини пахта теришга тортиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Теримчилар мусобақаси ҳар кун якунланиб туриши керак. Комсомол ташкилотлари меҳнат интизомини ошириш учун курашишни кучайтиришлари лозим. Ҳар бир колхозда кўп мингчи теримчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш мактаблари ташкил этиш зарур.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Камолов нутқ сўзлади.

Пленум ўзи қабул қилган қарорда Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдиришга чақириб, барча пахтакор ёшларга мурожаат қилган энг яхши кўп мингчи теримчиларнинг ташаббусини қизғин маъқуллади. Пленум область ва район комсомол комитетларига, шунингдек комсомол бошланғич ташкилотларига республика кўп мингчи теримчи ёшларининг Мурожаатини барча теримчи ёшлар орасида кенг тушунтириш вазифасини топширди. Мусобақа илғорларини рағбатлантирмоқ учун область, район комсомол комитетларида кўчма Қизил байроқлар ва вимпеллар таъсис этишга ҳам қарор қилинди. Пленум пахта нобудгарчилигига қарши кескин курашиш зарурлигига алоҳида эътиборни жалб қилди ва шу муносабат билан нобудгарчиликка қарши курашиш отрядлари ва контроль постлар тузишни тавсия қилди.

Шу билан бирга, пленум республика комсомол ташкилотида комсомол кадрларини танлаш, жойжойига қўйиб ишлатиш ва тарбиялаш ишларининг аҳволи ва бу ишларни яхшилаш тадбирлари масаласини ҳам муҳокама қилди. (ЎзТАГ).

Мактабларда таълим-тарбия ишларини янада яхшилайлик

Бу йил янги ўқув йилини халқ маорифи ходимлари бутун совет халқи Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун фидокорона курашиб, меҳнат совғалари тайёрлаётган бир пайтда бошлаб юбордилар.

Коммунистик партия ва жонажон ҳукуматимизнинг доно раҳбарлиги туфайли мамлакатимизда 40 йил ичида бошқа соҳалар билан бирга халқ маорифи соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Бундан 40 йил муқаддам Ўзбекистонда 160 ўрта, тўлиқсиз ўрта ва бошланғич мактабларгина мавжуд бўлган бўлса, ҳозир биргина областимизда 972 мактаб ишлаб турибди. Бу мактабларда область меҳнаткашларининг 191.316 ўғил-қизи таълим олмоқда. 1957 йилнинг ўзида колхозлар томонидан қурилган 40 та янги мактаб биноси янги ўқув йилида ишга туширилди.

Областдаги мактабларнинг бир қисми капитал ва қолганлари жорий ремонтдан чиқарилди.

Мактаб биноларини ремонт қилишда ва янгиларини қуриш ишларида оталиқ ташкилотларининг ташаббуси мақтовга арзирлиқдир. Бекобод шаҳар маорифчилари республикамизда биринчи бўлиб мактабларнинг янги ўқув йилига тахт қилинганлиги ҳақида рапорт бердилар. Бунда металлургия, цемент, заводларининг ёрдами катта бўлди. Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», Чиноз районидаги «Қизил Ўзбекистон» ва Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхозлар янги типдаги мактаб бинолари қуриб олдилар.

Колхозлар, турли ташкилотлар ўз оталиқларидаги мактабларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш ишига ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Мактабларда политехник таълимни ривожлантириш ишлари оталиқ ташкилотларининг ёрдами билан бажарилмоқда. Устахоналар қуриш, уларни жиҳозлаш, мактаб тажриба участкаси, теплица қуриш каби ишлар деярли ҳамма мактабларда амалга оширилмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз ёш авлодга билим бериш, уни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига йил сайин катта маблағ сарфлаётир. Областимиздаги мактабларга 1956 йилда 6217 минг сўм сарфланган бўлса, 1957 йилда 7553 минг сўм маблағ ажратилди. Бу маблағнинг бир қисми ўқувчилардан келгусида турли касб эгалари, мутахассислар етиштириб чиқариш учун сарфланади. Бекобод шаҳридаги 3-мактабда слесарлар, токарлар тайёрлаш группаларида олиб борилаётган мутахассислик дарслари яхши натижалар билан якунланди. Яна шу шаҳарнинг бир мактабида медицина ҳамширалари тайёрлаш группаси ташкил қилинди. Бу группада 8-синфдан бошлаб ҳафтада 5 кун умумий фанлар, бир кун медицина фани ўқитилади. Бундай мактаблар Тошкент, Чирчиқ ва бошқа шаҳар ҳамда районларда кўпайиб бормоқда.

Мактабларни олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлаш соҳасида область халқ маорифи бўлими бирмунча тадбирлар кўрди. 730 олий маълумотли ўқитувчи қишлоқ мактабларига юборилди. Бундан ташқари, ўқитувчилар малакасини ошириш институти иш бошлади. Институтда ойида ҳар бир предмет бўйича областдаги 100-150 ўқитувчи ўз малакасини оширади.

Ўқитувчиларнинг август методик кенгашлари улар ҳаётида катта роль ўйнади. Бу кенгашларда педагоглар кўп йиллар мобайнида тўплаган тажрибаларини ўртоқлашдилар, политехника таълимини кенг жорий қилиш масалаларига катта эътибор бердилар, маориф ишларини янада яхшилаш йўлларини белгилаб олдилар. Она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг республика кенгаши эса саводхонликни ошириш, мактабларда она тили ва адабиётни ўқитиш сифатини яхшилаш масалаларини муҳокама қилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, областимиз мактаблари ҳали айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Баъзи мактабларнинг ремонти сифатсиз ўтказилди. Масалан, Тошкент қишлоқ районидаги айрим мактаблар сифатсиз ремонт қилинган. Шунингдек, ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ишлари ҳалигача қониқарсиз аҳволда.

Областимиздаги халқ маорифи ходимлари олдида турган энг масъулиятли вазифа—бу камчиликларни барвақт бартараф қилиш, ўқитувчиларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш, таълим-тарбия савиясини кўтариш учун ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланишдир. Айниқса методик кабинетларнинг иши тубдан яхшиланиши керак. Ёш ўқитувчиларга гамхўрликни кучайтириш, уларга кекса ўқитувчилар тажрибаларини қунт билан ўргатиш ишлари методик кабинетларнинг асосий вазифасидир.

Мактабларда педагоглар билан ота-оналар алоқасини мустаҳкамлаш, ота-оналар комитети фаолиятини яхшилаш катта аҳамиятга эга.

Ана шу вазифалар амалга оширилгандагина ўқув йилини муваффақиятли якунлаш мумкин.

Ж. МУҲИДДИНОВ,

область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари.

Ленинград бинокорларининг тажрибаларини кенг қўлланамиз

Ленинградга бориб келган Тошкент бинокорлари делегациясининг раҳбари техник В. З. ЧУБАРОВнинг ҳикояси.

Яқинда Тошкент бинокорларининг каттагина бир группаси Ленинград шаҳрига бориб келди. Делегация аъзолари орасида бригадирлар, шувоқчилар, ғишт терувчилар ва бошқа касбдаги бинокорлар бор эди.

Биз уй-жой бинолари қурилаётган 38-кварталнинг қурилиш майдончаларида бўлдик. Бу майдончалардаги ишлар билан Москва, Воронеж, Таллин ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги бинокорлар ҳам танишганлар. Биз ана шу кварталда 3 кун бўлдик. Ленинградлик бинокорлар ўз касбдошларига қурилиш янги технологиясининг устунликлари ҳақида батафсил сўзлаб бердилар. Шундан сўнг Тошкент бинокорлари қурилиш участкасида бир-икки кун ишлаш ва янги метод билан тажриба қилиб кўришга имконият беришларини сўрадилар. Тошкентликларнинг бу илтимоси қондирилди. Биринчи бўлиб ғишт терувчи Жамол Холбоев коржома кийди ва ленинградлик ғишт терувчи Елена Волкова билан ёнма-ён тўриб ишлай бошлади. Аввалига «шогирд» ўз «устоз»нинг ҳатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб борди, бунда Жамол Холбоев ёрдамчи ишчи ролини бажарди. Орадан ярим соат ўтгач, улар ўз жойларини алмаштирдилар. Тошкентлик ғишт терувчи ўзи мустақил равишда бинонинг ташқи томонига пардоз плиталарини ўрната бошлади.

— Мен албатта бу усулни тўла ўзлаштириб оламан, — деди ўз ишидан хурсанд бўлган Жамол. — Биз Тошкентда ҳам янги қурилаётган биноларни ана шу усул билан пардоз қилишга ўтамиз. Албатта шундай қиламиз.

Шувоқчи Муҳаммаджон Ҳофизов ленинградлик шувоқчи И. Цеханович билан биргаликда ишлаб, деворларни юпқа қилиб шувашни ўрганиб олди.

Тошкентлик ҳамкасбининг сўзини диққат билан тинглаб турган И. Цеханович луқма ташлади:

— Хўш, нега сизлар деворни қалин қилиб шувайсизлар?

Муҳаммаджон ҳа деганда жавоб бермади. Орадан бироз вақт ўтгач, тошкентлик шувоқчилар: М. Ҳафизов, А. Толипов, В. Вишневский, Д. Рустамова ва бошқалар бирин-кетин гапира бошладилар. Уларнинг ҳаммаси бир бўлиб ленинградлик шувоқчининг саволига жавоб бера бошладилар. Ҳа дёмай қизғин суҳбат бошланиб кетди. Ҳамма гап шундаки, Ўзбекистондаги ғишт заводлари паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар, ғишт терувчилар эса ўз ишларининг сифатини ошириш тўғрисида жиддий қайғирмаётирлар. Шу сабабли ҳам бино деворлари қалин қилиб шувалмоқда. Тошкентлик ғишт терувчилар К. Ийлдоев, М. Ғвоздев, Р. Зияев ва бошқалар шувоқчиларнинг бу танқидига жавобан ўзларини оқлаш учун ҳеч нарса деёлмадилар. Шунда шувоқчи Муҳаммаджон Ҳофизов ленинградлик комплекс ғишт терувчилар бригадаси терган деворни кўрсатиб, тошкентлик ғишт терувчиларга мурожаат қилди:

— Сиз ҳам ғиштни ана шундай теринг, деворларни мана шундай тиклинг, шунда биз ҳам ленинградликлар эришган даражага етамиз, биз ҳам смена давомида 60 ва ундан ҳам ортиқ квадрат метр жойни шувоқдан чиқара оламиз. Ғишт қиғирқийшиқ қилиб терилгандан кейин қандай қилиб деворни юпқа шувоқ билан шуваш мумкин?

Суҳбатга ана шу бинони тиклаган комплекс бригаданинг бошлиғи Ўртоқ Синев аралашади.

— Бизда ҳам илгарилари ишнинг сифатига унчалик эътибор берилмас, ғишт қиғир-қийшиқ қилиб терилар, натижада деворни 5 сантиметргача қалинликда шувашга тўғри келар эди. Ғишт терувчилар алоҳида, шувоқчилар алоҳида ўз бошларига мустақил равишда ишлашган пайтларида шундай бўлар эди. Эндиликда бу ҳар икки касб эгалари биргаликда бир-бирини қувиб, бир объектда ишламоқдалар. Улар ўзаро бирбирларининг ишини назорат қилиб боради. Иш ана шундай усул билан ташкил қилинганда, техник контролёрларга ҳам унчалик ҳожат қолмайди. Янги усул ишнинг сифатини ҳам, суръатини ҳам оширди.

Биз Ленинграддаги 40-УНРда 3 кун бўлганимиздан сўнг, қилган ишларимизга якун ясалик ва касбдошларимиз билан ўз планларимизни ўртоқлашдик. Тошкентлик бинокорлар ленинградлик қурувчиларга улар кўрсатган меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдирдилар ҳамда бу ерда ўрганган янгиликларни Ўзбекистондаги қурилиш участкаларида кенг пропаганда қилишга сўз бердилар.

* * *

Тошкентлик бинокорлар ленинградлик ҳамкасбларига берган ваъдаларини бажардилар. Улар Тошкентга қайтиб келганларидан сўнг ишни ленинградликлар тажрибаси асосида ташкил қилдилар. Шумилов шаҳарчасида қурилаётган 4 қаватли уй-жой биносида Ленинградга бориб келган Сергей Иванович Фомин ўз бригада аъзоларига деворни юпқа қилиб шувашни ўргатмоқда. Николай Гринев, Карим Ҳакимов, Алексей Никифоров, Турсун Мирзаев ва бошқалар қисқа муддат ичида ленинградликларнинг усулини ўзлаштириб олдилар. Эндиликда ҳар бир бригада нормаларга 240 квадрат метр ўрнига 400 квадрат метрданга етказиб девор шувамоқдалар. Бригада аъзоларининг ҳар бири янги усулни зўр қизиқиш билан ўрганаяпти.

Ҳозир кўпгина қурилиш участкаларида тошкентлик бинокорлар ленинградликларнинг тажрибалари асосида ишламоқдалар. Жумладан, Паркент кўчасида «Подъёмник» заводининг ишчилари учун қурилаётган уй-жой биносида, шунингдек Чиланзор массивидаги айрим қурилиш майдончаларида ғишт териш ва шуваш ишлари ленинградликлар усули асосида ташкил қилинган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатимизда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори биз—бинокорлар зиммасига ғоят катта ва масъулиятли вазифалар юклайди, қурилиш ишларининг ҳажми тез ва кенг қулоч ёяди. Олдимизда турган ана шу катта вазифаларни муваффақият билан бажариш ва меҳнаткашларга имкони борича кўпроқ уй-жой қуриб бериш учун ленинградлик бинокорларнинг тажрибаларини кенг қўлланиш ва уни барча қурилиш участкаларида кенг пропаганда қилиш лозим.



Фрунзе районида кейинги вақтларда жуда кўп янги уй-жой бинолари қурилди. **Суратда:** Тошкент тўқимачилик институтининг яқинда фойдаланишга топширилган Заводская кўчасидаги 2- ётоқхонаси биноси.

В. Салов фотоси.

ХОМ ПАХТАНИ ТЕРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК!

Пахта йиғим-теримида меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашайлик

Областимиз пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта етиштириб бериш юзасидан олган ўзларининг социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш мақсадида мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашдилар. Ҳозир анчагина майдонларда пахта ҳосили етилиб, кўсаклар очила бошлади. Кўпгина звено, бригада, колхоз ва совхозлар пахтани йиғиб-териш ва уни давлатга топшириш ишларини қизитиб юбордилар.

Маҳаллий партия ва совет органлари, МТС, колхоз ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг вазифаси—пахта йиғим-терим кампаниясининг юксак уюшқоқлик билан ўтишини ва давлат пахта тайёрлаш планини улуғ айём кунигача, яъни 7 ноябргача бажаришни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг қарорига мувофиқ **областимиз колхоз, МТС ва совхозлари сентябрь ойида давлатга 180 минг тонна, октябрда 250 минг тонна ва ноябрда 45 минг тонна пахта топширишлари керак.** Бу топширқни бажариш учун 2 мингдан кўпроқ пахта териш машинасини ишга солишимиз ва 178 минг колхозчи ва совхоз ишчисининг теримга чиқишини таъминлашимиз зарур.

Бу асосий ва мураккаб вазифани муваффақият билан бажариш учун районлар, МТС, колхоз ва совхозларимиз барча имкониятларга эгадирлар. Биринчи навбатда ихтиёримизда бўлган бой техниканинг барчасидан тўла ва юқори унум билан фойдаланишга катта эътибор бериш зарур. Техникадан фойдаланиш колхозчилар ва совхоз ишчилари меҳнатини анча енгиллаштиришга ёрдам беради. Ана шу мақсадда ҳар бир машина билан мавсумда 100 тонна ва ундан ҳам ошириб пахта териш учун курашаётган илғор механик-ҳайдовчиларнинг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва социалистик мусобақани қизитиб юбориш керак. Пахта МТСининг механик-ҳайдовчиси Турсуной Охунова, 2-Мирзачўл МТСининг механик-ҳайдовчиси Солижон Султонов ва «Малик» совхози механизаторлари машинада пахта териш юзасидан юксак мажбурият олиб, ҳозир пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Пахта йиғим-терим суръатини тезлаштириш учун тушунтириш ишларини яхшилаш ва ҳар бир теримчининг моддий манфаатдорлигини ошириш йўли билан қишлоқдаги ишга яроқли барча аҳолини теримга жалб этишнинг ҳамма чораларини кўриш керак. Бунда агар район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари омма билан алоқани кучайтирсалар, колхозчилар ва совхоз ишчилари, шунингдек уларнинг оила аъзолари бошлаган ижодий ташаббусга бошчилик қилсалар, коммунист ва комсомоллар меҳнатда шахсан фидокорлик намуналарини кўрсатсалар, ниҳоят кўп минг килограммчилар ҳаракатини ташкил этсалар яхши натижаларга эриша оладилар.

Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг мавсумда 20 тонна пахта териш юзасидан мажбурият олган илғор теримчиси Тожихон Тожибоева, Бўка районидаги Хрушчев номли колхознинг мавсумда 35 тонна пахта теришга аҳд қилган звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова каби чеварлардан ўрнак олиш ва уларнинг тажрибасини кенг миқёсда оммалаштириш лозим. Биз бу ерда теримда меҳнат унумини ошириш учун курашаётган айрим илғорларнигина кўрсатдик. Лекин колхоз, совхозларимизда бундай илғорлар оз эмас. Биз шу кунларда теримда социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида меҳнат унумини ошираётган илғорлар ҳаракатини оммалаштирайлик, ҳамма ерда меҳнат сарфини камайтирган ҳолда қисқа муддат ичида давлатга кўпроқ пахта етказиб берайлик.

Ҳар бир механик-ҳайдовчи ва ҳар бир теримчи иш кунида ёки мавсумда қанча кўп пахта терса меҳнат унуми шунча ошади. Масалан, механик-ҳайдовчи ўз машинаси билан бир кунда 2 тонна пахта терса бунинг учун у 120 сўм ҳақ олади. Лекин кўпгина механик-ҳайдовчилар бир кунда 4-5 тоннадан пахта тера оладилар. Бу ҳолда улар меҳнат унумини икки баравар ошириб, оладиган бир кунлик иш ҳақларини ҳам 300 сўмгача етказадилар.

Кўпчилик колхозчилар ва совхоз ишчилари муайян шароитда кунлик ва мавсум нормаларини ошириб бажарадилар, яъни меҳнат унумини анча оширадилар. Шунинг учун колхоз ва совхозларда ҳосилнинг миқдорига ва кўсакларнинг очилишига қараб ой сайин терим нормаларини тўғри белгилаш талаб этилади. Масалан, кунлик терим нормаси ўртача 40 килограмм белгиланса бир теримчи мавсумда 3 минг килограммга яқин пахта теради. Агар иш шароити яхшиланиб иш кунларидан тўла фойдаланилса бу норманд икки ҳиссага етказиб бажариш мумкин. Бунда теримда меҳнат сарфи анча камаяди ва ҳар бир теримчининг кунлик иш ҳақи ошади.

Буни аниқлаш учун яна бир оддий ҳисобни қилиб кўрайлик: Масалан колхоз давлатга 3 минг тонна пахта топширади. Агар ҳар бир теримчи мавсумда 3 тоннадан пахта терадиган бўлса, камида 1000 киши керак бўлади. Бордию мавсум нормаси 5 тонна қилиб белгиланса, бу ҳолда шу ишни 600 киши билан бажариш мумкин. Тўғри, бу тахминий ҳисоб. Ҳар бир колхоз ва совхоздаги ҳисоб-китоблар ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин барча хўжаликлар учун умумий бўлган шартлар ҳам бор.

Теримда меҳнат унумини ошириш, нормаларни ошириб бажариш ва меҳнат сарфини камайтириш учун қандай шартларга амал қилиш керак?

МТС, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари пахта далаларида ҳосилнинг пишишини ва кўсаклар очилишини тезлаштиришга қаратилган тадбирларни ўз вақтида амалга оширишлари зарур. Шунда биз сентябрь, октябрь ойларида ҳосилнинг камида 90 процентини териб оламиз.

Йиғим-теримда меҳнат унумини ошириш учун қўйиладиган энг катта талабларнинг бири одамларга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларга энг қулай материал ва энг яхши маданий-маиший шароит яратиб беришдан иборатдир. Меҳнатни ташкил этишни менсимаслик ҳолларига хотима бериш керак. Масалан, кўпгина теримчилар терган пахталарини узоқ йўл босиб хирмонга ўзлари олиб борадилар. Ҳолбуки теришган пахта теримчидан далада қабул қилиб турилса, иш кунининг бир соати, ҳатто бир минути ҳам бекорга ўтмайди. Бу ҳаммага равшан-у, лекин кўпгина ходимлар бунга етарли эътибор қилмайдилар.

Болалар яслиси ва боғчалари, теримчи оналарнинг далада хотиржамлик билан ишлашларини таъминлаш тўғрисида жуда кўп гаплар бўлади. Бироқ аслида уничалик мураккаб бўлмаган бу талаб кўпинча бажарилмайди. Бунинг сабаби шуки, колхоз, совхозларнинг партия ташкилотлари ана шундай оддий нарсаларга зарур даражада эътибор бермайдилар.

Бригадаларда яхши жиҳозланган дала шийпонларининг бўлиши, бу ерларда иссиқ овқат тайёрланиши, теримчиларнинг яхши хордиқ чиқаришлари ва уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш катта аҳамиятга эга. Лекин кўпгина колхозларнинг раислари, партия ташкилотларининг секретарлари, совхозларнинг директорлари ва партия ташкилотларининг секретарлари амалда одамларга зарур даражада ғамхўрлик қилишга анча масъулиятсизлик билан қарамоқдаларки, бунга хотима бериш керак.

Ўтган йили йиғим-терим мавсумида теримчиларга ҳақ тўлашда кўпинча жиддий камчиликларга йўл қўйилган эди. Колхоз, совхозларда колхозчилар ва ишчиларга кўпинча ҳақ кечикиб тўланар, бу эса уларнинг активлиги ва моддий манфаатдорлигининг пасайишига сабаб бўларди. Бу йил йиғим-терим ишларини ўтказишда дастлабки кунларданоқ шундай камчиликларнинг рўй беришига йўл қўймайлик.

Йиғим-терим ишлари бошланиб кетган ҳозирги пайтда колхоз, МТС ва совхоз партия ташкилотларининг вазифаси — бутун эътиборни колхозчилар, совхоз ишчилари ва бутун қишлоқ аҳолиси ўртасида сиёсий-тарбиявий ва ташкилий ишларни ҳар томонлама яхшилашга зўр эътибор бериш, пахта тайёрлаш суръатини оширишни таъминлашга ҳамда ҳар бир бригада, колхоз ва совхозлар бўйича сентябрь ойи топширғини бажаришга эришишдан иборат бўлмоғи керак. Барча коммунист ва комсомоллар, бутун ёшлар пахта теримида биринчи сафларда боришлари лозим.

Пахта йиғим-теримида меҳнат унумдорлигини ошириш учун астойдил курашайлик, бутун куч ва моддий-техника воситаларини терим суръатини янада тезлаштиришга сафарбар этайлик.

П. НОВОСЕЛЬЦЕВ,

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.

Йиғим-терим дастлабки кунларданоқ қизитиб юборилди

Жданов номли колхоз аъзолари Октябрнинг 40 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашиб ғўза парваришини ўз вақтида сифатли ўтказдилар ва асосий майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Колхоз аъзолари олинган мажбуриятни муваффақият билан бажариш учун барча тадбирларни амалга ошириб, йиғим-теримни ғоят уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар.

Колхознинг ўртоқ М. Мирзааҳмедов бошлиқ бригадаси аъзолари меҳнатда қўлга киритаётган ютуқлар, айниқса, қувончлидир. Бу бригада аъзолари 80 гектар ерда ғўза ўстирдилар. Ҳар гектар ерда 22 центнердан ҳосил етиштириш мажбурияти олинган. Бригадада ғўза парваришини соҳасидаги ишлар юқори агротехника муддатларида ўтказилганлиги туфайли олинган мажбуриятни муваффақият билан бажариш имкониятини берадиган ҳосил тўпланди. Илғорлар бу етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш учун ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрдилар ва йиғим-теримни колхозда биринчилар қатори бошлаб юбордилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бошқа бригадалар қаторидаги бу бригада аъзоларининг ҳам унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб берган. Шунинг учун ҳам бригадада йиғим-терим тобора қизғин тус олмоқда.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ М. Мирзааҳмедов,—иш суръатини тобора кучайтира бориб сентябрь ойида йиллик планнинг камида 40 процента миқдорида пахта териб оламиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор.

Бригадада ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган, кўпмингчилар ҳаракати кучайтирилган. Илғор теримчилардан Қ. Қодирқулов, М. Маҳмудов, Ғ. Абдураҳмонов ўртоқлар кундалик терим нормаларини ортиғи билан бажармоқдалар, ҳар куни хирмонга 100-120 килограммдан пахта териб топширмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

Пискент райони.

Теримчилар ғайрати

Колхозчилар қаторларни танлаб олишгач, зўр иштиёқ билан пахта теримига киришиб кетдилар. Ҳамма бир-биридан ўзишга — кўпроқ пахта теришга интилар эди. Булар Чиноз районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ С. Жалолбоев бошлиқ бригадасининг аъзолари.

Ўтган йили 63 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштирган бригада аъзолари бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Бригадада ғўза парваришни ўз вақтида ўтказилганлиги туфайли ҳосил мўл бўлди. Илғорлар бу ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик билан киришдилар. Теримчилардан М. Қалибоев, И. Довурбоева, Қ. Қаршибоева каби ўртоқлар айниқса ғайрат билан ишламоқдалар, кундалик нормаларини ортиғи билан бажараётирлар.

Колхознинг кўпчилик бригадаларида йиғим-терим ана шундай уюшқоқлик билан ўтказилаётир.

Х. ОХУНОВ.

Ўрта Чирчиқ районида пахта хом, ифлос терилаётир

Ўрта Чирчиқ районининг далаларида бу йил пахтадан мажбуриятни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирилган. Пишиб етилган тўқ кўсаклар бирин-кетин очилмоқда. М. Горький номли колхоз далалари узоқдан оқариб кўзга ташланади. Колхозчилар етиштирилган пахталарни нобуд қилмасдан, қисқа вақт ичида йиғиб-териб давлатга топшириш учун зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Колхоз правлениеси, бошланғич партия ташкилоти пахтанинг очилишига қараб теримчиларни кўпайтирмоқда. Пахтани хом териш, чаноқда қолдиришга асло йўл қўйилмаётир. Колхоз терим юзасидан берилган графикни ошириб бажариб, районда биринчи ўринни эгаллади; кунига, давлатга йиллик планнинг 1 процентидан ошириб пахта топширилмоқда. Акипов, Матиков ўртоқлар бошлиқ бригада 10 кунлик топширқни 138 процент қилиб адо этди. Кўп минг килограммчилар мусобақасининг илғорлари Хатам Шодиев, Кенжа Бўрибоева, Гулсун Бегимқулова, Темир Қолдибоева ўртоқлар айниқса юксак меҳнат унумига эришаётирлар. Уларнинг ҳар бири кунига 214-230 килограммга етказиб пахта тераётир. Моҳир теримчилар 10 кунда 1,5 минг килограммдан пахта териб, мавсум нормасининг қариб ярмисини адо этдилар. «Ленин йўли» колхозининг пахтакорлари ҳам терим суръатини кун сайин кучайтириб, давлатга кўплаб пахта топширмоқдалар.

Лекин айрим колхозларда пахта терими кечиктирилиб, ўтган йилги хатога йўл қўйилаётир. Ленин номли, Карл Маркс номли, Куйбишев номли, Хрушчев номли колхозларда шундай ҳолни кўрамиз. «Ҳақиқат» колхозида пахта яхши очилган бўлишига қарамай, терим суръати паст. Айрим колхозларда штурмчилик ҳоллари содир бўлаётир. Масалан, беш кунликнинг охирги кунида кўп пахта топширилиб, бошқа кунлари ўзибўларчилик билан иш қилинаётир. Районда 10 сентябрь куни 119 тонна пахта тайёрлангани ҳолда, 11 сентябрда 110 тонна пахта топширилди. Куйбишев номли колхозда ўтган кунга нисбатан қарийб 7 тонна пахта кам тайёрланган. Бундай факт ягона эмас. Ваҳоланки, пахта кундан-кунга кўп очилмоқда. Лекин колхозларда пахтанинг очилишига қараб зарур сонда теримчилар жалб этилмагани учун терим суръатида жиддий силжиш бўлмаётир.

Пахтани ифлос қилмаслик, сортларга ажратиб теришга ҳам эътибор ва қарашдек аянчли фактлар тез-тез такрорланаётир. Пахтанинг ифлосланиши 0,5 процентдан ошмаслиги керак. Аммо «Ҳақиқат» колхозида пахтани сараламай, пала-партиш, ифлос қилиб териш авж олган. 5 сентябрда пунктга юборилган пахтанинг ифлослиги 1,3 процентга, 6 сентябрда эса 1,4 процентга етган. Ворошилов номли колхозда дастлабки кунларда пахта тоза терилаётган эди. Кейинчалик пунктга пахта хас-чўп билан жўнатиладиган бўлиб қолди. Ифослик 1,5 процентгача етган. Киров номли совхоз пахтаси ҳам ифослиги учун чегирмалар билан қабул қилинмоқда. «Ҳақиқат» колхозида ҳам аҳвол шундай.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети V пленумининг «1957 йилдаги пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган қарорида теримнинг дастлабки кунларданоқ нобудгарчиликка қарши кескин кураш олиб бориш, ҳар бир бригада, звенода ерга тўкилган ҳамма пахтани ўз вақтида териб олишни ташкил этиш, хом пахта терилишига, хирмонларга ва хирмонлардан тайёрлов пунктларига пахтани ташиётганда нобуд қилишга йўл қўймаслик зарурлиги алоҳида таъкидланган, район, колхоз, совхозларнинг раҳбарлари бу тўғрида огоҳлантирилган эди.

Афсуски, райондаги колхозларда пленум қарори жуда қониқарсиз бажарилмоқда. Биз Ильич номли колхознинг ўртоқ Асил Мадалиев бошлиқ бригадасида бўлганимизда, хирмон атрофида кўпгина пахтанинг тўкилиб-сочилиб ётганини кўрдик. Раҳмон Арсланов звеносининг терилган участкасида 10 метр масофадаги эгатдан тўкилган, чаноқларда қолиб кетган пахталарни териб, табелчи ўртоқ Мадиёровга узатганимизда, у «партия ташкилотининг секретари тўкилган пахталарни теришга одам белгилаш учун идорага кетди, чаноқларда қолдирилган пахтани териб олиш учун махсус киши қўямиз» деди. Ҳолбуки бу хил практика теримчилар ўртасида масъулиятсизлик туғилишига сабаб бўлади.

Ёлгиз бу бригадада эмас, ўртоқ Абдикарим Худойберганов бошлиқ 7-бригадада ҳам Шарифа Мирзақулова, Исматова, Сатторова сингари теримчилар пахтани чаноқда ҳам қолдириб, оёқ ости бўлаётганларини ҳам олмай кетмоқдалар. Ўртоқ Мадалиев бригадасида Абдуллаева, Султоноваларнинг 35-40 килограммдан терган пахтасининг қарийб ярми хом. Бригададан юборилган 16 қоп пахта хомлиги учун пунктда катта можарога сабаб бўлган.

Куйбишев номли колхознинг 10-бригадаси бошлиғи Ўртоқ Аҳмаджон Мадаминов ва унинг активлари: «Хом пахта териш ҳар тарафлама зарар, планнинг бажарилишини хавф остида қолдиради, қуритиш қийин, бир соатлик иш кечгача чўзилади» дейишади-ю, аммо бунга амал қилмай, пахтанинг хом терилишига йўл қўймоқдалар. Масалан, опа-сингил Пошпахўжаевалар хирмонга топширган пахтасининг 30 процентга яқини хом. Сталин номли колхознинг Ўртоқ Карамат Маматқулов бригадасидан Тўйтепа пунктига юборилган 600 килограмм пахтанинг намлиги 0,9 процент бўлгани учун қайтарилган, бу пахтанинг 40 проценти етилмаган—чала пишган. «Ҳақиқат» колхозида ҳам шундай ҳолни кўрамиз.

Алимкент йўлидаги катта кўприкда 10 килограммга яқин пахта оёқ ости бўлиб ётибди. Аммо бу пахталарни териб олиш на Ильич номли ва на Куйбишев номли колхоз раҳбарларининг эсига келган.

Теримнинг дастлабки кунларидаги жиддий нуқсонларга район партия комитети, район ижроия комитети ва колхоз раҳбарлари майда камчилик деб қарамоқдалар. Натижада пахтани хом териш, чаноқда қолдириш, ерга тўкилганини териб олмаслик каби нобудгарчиликлар рўй берётир.

Район ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг V пленуми кўрсатмаларидан зарур хулоса чиқариб, пахтани нобуд қилмасдан, тез териб олишни уюштиришлари ва бу соҳадаги масъулиятсизликка жиддий зарба беришлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Суратда: Ўрта Чирчиқ районидаги Максим Горький номли колхознинг кунига 220-230 килограммдан пахта тераётган илғор теримчилари **Карима Алматова ва Кенжа Бўрибоева** ўртоқлар.

М. Шевелев фотоси.

МУСОБАҚАДОШ ТОЖИКИСТОН ДАЛАЛАРИДА

ВАХШ ВОДИСИДА

Душанба ва Кофарниҳон дарёларидан Кўктош бўйлаб ўтган кенг асфальт йўл ўркачли адрлар оралаб жануб тоғларига кўтарилади. Серқатнов йўлда турли машиналар ва суворилардан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Атрофда уфқни тўсиб, осмонга бўй чўзган тоғларда колхоз чорвалари ёйилиб ўтламоқда. Тоғлар орасидаги тобора баландликка кўтарилган киши бу яқин ўртада на бир дарё ва на бир яшил экинзор бўлмаса керак деб ўйлайди. Бироқ шамол тезлигида кетаётган машиналар давони орқада қолдириб пастга югурадилар, кўп вақт ўтмай рўпарангиздан, тоғларни икки томонга суриб, ямяшил води яшнаб кўринади. Қоя тошлар ёнбағридан эртаклардагидай ажойиб, гуллаган водига кириб борасиз. Асфальт йўл кенг пахтазорлар, қуюқ дарахтзорлар орасидан ўтиб, оқариб кўринган колхоз қишлоқларига интилади.

Бу ажойиб юртнинг кенг далаларига разм солсангиз, унинг кўрки, янгиликлари беҳосдан хаёлингизни ўзига тортади; машиналардан тушиб, истаган манзилингизга чаманзорлар оралаб кетгингиз келади.

Йўл четида гуркираб турган пахтазорлар оқ либос киймоқда. Шохсиз, бўйдор ғўза кўчатларида ғуж-ғуж олтин чаноқлар тизилган. Бу янгичка толали янги пахта сортини «Нўловка» дейдилар. Теримчи қизлар ҳосил қўшигини айтиб, қўшалоқ чаноқни чаккага тақиб, пахта термоқдалар.

Тоғдан тушиб водига қараб борар экансиз қаршингиздан катта дарё ўйноқлаб оқади Менинг ҳар қатра сувим об-ҳаётдир дегандай қирғоқлардан-қирғоқларга урилиб, ниҳу доналар сочади. Бу— Вахш дарёсидир, бу ўлка — Вахш водисидир. Қадрли тожик халқи Совет ҳокимияти йилларида асов Вахш дарёсини жиловлаб, асрлар бўйи ташна бўлиб ётган кенг чўлларга ҳаёт келтирди, тўқайларни серҳосил пахтазорларга айлантирди. Қизлар қўшиқ айтиб, пахта тераётган ерни «бир вақтлар одам оёғи етмаган тўқай эди» деб айтадилар.

Биз Қўрғонтепа районидаги Ленин номли юқори ҳосилли, гигант колхозда бўлдик. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сирожиддин Фаттохов дала шийпонида колхозчилар билан суҳбат ўтказмоқда эди.

Биз раис билан теримчилар ишлаётган жойга бордик. Кенг асфальт йўлнинг ўнг чеккасидаги катта пайкалда пахта терилмоқда. Колхозчилар очилган, лўппи пахталарни чаққонлик билан териб бормоқдалар. Ҳамма чамандек очилиб турган «оқ олтин» чаноқларини кўзлайди.

Шийпонда оқ халат кийган икки кампир алла нималар билан машғул. Кампирлар билан саломлашар эканмиз, рўпарадаги ичкариги хонадан чақалоқларнинг уйқу асносида пиншилаётганликлари эшитилди. Ёзода, кенг ҳонада икки қатор кроватчалар турипти, полда турли-туман ўйинчоқлар. Кампирларнинг хизматидан мамнун бўлдик. Улар пахта тераётган оналарнинг қулай иш шароитини, ёш ғўдакларнинг ороминй ўйлайдилар, ҳар куни тонг отгандан то қош қорайгунча болаларни аллалаб ардоқлайдилар, зўр меҳр-муҳаббат билан тарбиялайдилар.

Шийпон ёнида катта хирмон оқариб турипти. Қоп ортидан қоп бўшатилмоқда. Участка бошлиғи, кекса деҳқон Нажот Фаттохов шиббаланган қопларни машинага ортишга ёрдамлашмоқда. Хирмонда ишлаётганларнинг қўли-қўлига тегмайди; йил бошидан буён, пешона тер тўкиб, кутган нарсаси — оппоқ олтинини кўрган пахтакорлар нақадар ғурур ва ғайрат билан ишлашарди.

Пайкалдан конвейердан чиққандек пахта қаноқлари тўлиб келмоқда. Пахтазор эса ўз тўлалиги — оппоқ чиройини ўзгартирмаган. Ҳаммаёқ оппоқ. Ёнимизда турган шерикларимиздан бири:

— Пахта қайнар, — деб юборди завқланиб.

Раис Сирожиддин ака пахта қоплаётган колхозчилар ёнидан кулиб жавоб қайтарди:

— Тўғри гапирдингиз, меҳмон. Бизда пахта яхши битадиган жойлар кўп. Шундай жойларимиздан бирига «Пахта қайнар» деб ном бергамиз. Бу участка қишлоғимизнинг кун чиқиш томонида жойлашган.

— Биз ҳам у участкалардан қолишмаймиз, ҳар гектаридан ўттиз центнердан ошрамиз, — деди участка бошлиғи Нажот ака.

— Жўжани кузда санайдилар, деган боболаримиз, ака, ваъдани байрамда кўрамиз, — деди раис ҳазиломиз. Нажот ака раиснинг акаси эди. Кекса деҳқон раис укасининг бу ҳазиломиз ва талабчан сўзига ўйланиб, сўнг зўр ишонч билан жавоб қайтарди.

— Теримнинг ҳозирги дастлабки кунларидан бошлаб ҳар куни йиллик планнинг 1,5 процентига етказиб пахта топширмоқдамиз. Кун оша суръат ҳам оша боради. Улуғ айёмни байрам совғаси билан кутиб оламиз.

Машиналарга шиббаланган қоплар ортилиб бўлинган эди. Нажот ака биз билан хайрлашиб, олдинги машинага ўтирди. У, пунктга «оқ олтин» совғаларини элтишга шошиларди.

Пахтазор оралаб кетдик. Раис бу ерга яқинда ўзбекистонлик пахтакорлар келганлигини, улар билан пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қизғин фикрлар, яхши маслаҳатлар ўртага қўйилганлигини айтди.

Биз раиса, Ўзбекистондан келган ўзаро текшириш бригадасининг составида юқори ҳосилли, йирик колхозларнинг раислари борлигини, раис улар билан учрашганлигини айтиб, «шу колхозлардан бирортаси билан сизнинг колхозингиз социалистик мусобақа тузганми?» деб сўрадик.

Раис бироз ўйланиб туриб, сўнг кенг пахтазорларга қараб жавоб берди:

— Бу ерга Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннонов келган эди. Лекин ўртоқ Маннонов раис бўлган колхоз бизнинг Панж районимиздаги «Коммунизм» колхозимиз билан социалистик мусобақа тузган. Ҳар икки колхозда пахтачилик ҳам, чорвачилик ҳам тараққий этган. Биз ҳам мусобақада кейинда қолаётганимиз йўқ. Колхозчиларимизни йиғиб, маслаҳатлашганимизда, улар Тошкент областининг Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхози билан социалистик мусобақа тузишни айтдилар. Биз бу колхознинг раиси, машҳур пахтакор, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номига мактуб тайёрладик, колхозни мусобақага чақирдик. Мен ўртоқ Турсунқулов билан Москвада, партиямизнинг XX съездида учрашган эдим.

Фаттохов раис бўлган колхоз бу йил 1615 гектар ерга чигит экиб, гектаридан давлатга 30 центнердан ингичка толали пахта топшириш ҳақида социалистик мажбурият олган. Колхоз ҳар йили ўз аҳдини бажариб келмоқда. Азамат колхозчилар бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар ерда 110 минг тупдан ғўза ўстирилди. Ғўза туплари ҳосилини зўрга кўтариб турибди. Ғози Позимов, Нажот Фаттохов, Орифжон Содиқов, Малиқшо Ғиёсов каби миришкор пахтакорлар бошлиқ участкаларнинг катта майдонларида олинган мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилган.

Бу йилги об-ҳавонинг ноқулай келганлиги ишни бирмунча қийинлаштирди. Ғўзалар 10-15 кун парваришдан кечикди. Бироқ колхознинг мингта яқин аъзоси кечаникеча, кундузни-кундуз демай далада ишлади. Афзал Ҳолов, Тўхтасин Ҳайдаров каби ўнлаб моҳир универсалчилар меҳнатда намуна кўрсатдилар. Ғўзалар беш марта сифатли парвариш қилинди. Ғўзаси ўсишдан қолган ерларда қўшимча парвариш ўтказилди. Натижада колхоз ғўзаси яхшиланди.

Бугун колхознинг ҳар бир участка, бригада ва звеносида яхши ўсиб-ривожланган ва кўплаб кўсак туккан ғўзаларни кўрасиз. Бу мўл ҳосил учун озмунча меҳнат қилинмаган. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти ҳосил миқдорини ошириш билан колхозни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор бериб келмоқдалар.

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Зикрилло Баратов коммунистларнинг ташаббуси ва колхозчиларнинг активлиги ҳақида сўзлайди. У, қўлидаги кичкина дафтарчани варақлар экан, сўз бошлади:

— Яқинда қўлоблик пахтакорлар яхши ташаббус бошладилар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тоғли 40 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашиб, давлатга пахта топшириш йиллик планини 1 ноябргача ва йил охиригача пландан ташқари кўплаб пахта тайёрлаш ҳақида аҳд қилдилар ва пахтакорларни мусобақага чақириб, мурожаатнома қабул қилдилар. Бизнинг колхозчиларимиз ҳам қўлобликларнинг ташаббусига қўшилиб, давлат пахта тайёрлаш планини Улуғ байрам арафасида бажаришга аҳд қилдилар.

Парторг ёнида турган колхозчилар «биз ўз аҳдимизнинг устидан чиқамиз, улуғ байрамни катта совғалар билан кутиб оламиз» дейишди. Жануб қуёшидан қорайган колхозчиларнинг очиқ чеҳраларида ғайрат ва қатъийлик сезилиб турарди. Улар элга сўз берса, албатта ўз сўзлари устидан чиқадиган баҳодирлардир. Уларнинг сўзларини кенг пахтазорларнинг баракали ҳосили ҳам тасдиқлаб турибди. Етиштирилган мўл ҳосил пешма-пеш йиғиштирилиб олинса, албатта Улуғ байрам арафасида галаба рапорти берилади!

Колхозчилар, меҳнатнинг таги роҳат, дейдилар. Улар ўтмишда чўл ва тўқайдан иборат бўлган кенг майдонларни ўзлаштириб, серҳосил экинзорлар яратдилар, ғўзаллар колхоз қишлоқлари барпо қилинди. Ўтган йили колхоз 28 миллион сўм даромад олди. Ҳар меҳнат кунига ўртача 22 сўмдан, илғор бригадалар аъзоларига эса 33 сўмдан пул тақсимланди. Колхозчилар ҳалол меҳнатлари эвазига кўплаб галла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам олдилар.

Колхоз қишлоғининг қайси бир хонадонида меҳмон бўлманг, маъмурчиликни кўрасиз. Колхозчилар ўзларига янги типда, кўп хонали уйлар қуриб олганлар, уйларда турли маданий буюмлар бор.

Қишлоқ четида, катта асфальт йўлнинг икки томонида янги қурилиб, ҳали шувоқдан чиқарилмаган уйлар кўринади. Колхоз раиси Фаттохов: «Колхозчилар учун қурилиб чиқариш ишлари ҳам ўз аҳамиятини ошириб, давлат пахта тайёрлаш планини Улуғ байрам арафасида бажаришга аҳд қилдилар.

Биз Ильич номли колхознинг ўртоқ Асил Мадалиев бошлиқ бригадасида бўлганимизда, хирмон атрофида кўпгина пахтанинг тўкилиб-сочилиб ётганини кўрдик. Раҳмон Арсланов звеносининг терилган участкасида 10 метр масофадаги эгатдан тўкилган, чаноқларда қолиб кетган пахталарни териб, табелчи ўртоқ Мадиёровга узатганимизда, у «партия ташкилотининг секретари тўкилган пахталарни теришга одам белгилаш учун идорага кетди, чаноқларда қолдирилган пахтани териб олиш учун махсус киши қўямиз» деди. Ҳолбуки бу хил практика теримчилар ўртасида масъулиятсизлик туғилишига сабаб бўлади.

Ёлгиз бу бригадада эмас, ўртоқ Абдикарим Худойберганов бошлиқ 7-бригадада ҳам Шарифа Мирзақулова, Исматова, Сатторова сингари теримчилар пахтани чаноқда ҳам қолдириб, оёқ ости бўлаётганларини ҳам олмай кетмоқдалар. Ўртоқ Мадалиев бригадасида Абдуллаева, Султоноваларнинг 35-40 килограммдан терган пахтасининг қарийб ярми хом. Бригададан юборилган 16 қоп пахта хомлиги учун пунктда катта можарога сабаб бўлган.

Куйбишев номли колхознинг 10-бригадаси бошлиғи Ўртоқ Аҳмаджон Мадаминов ва унинг активлари: «Хом пахта териш ҳар тарафлама зарар, планнинг бажарилишини хавф остида қолдиради, қуритиш қийин, бир соатлик иш кечгача чўзилади» дейишади-ю, аммо бунга амал қилмай, пахтанинг хом терилишига йўл қўймоқдалар. Масалан, опа-сингил Пошпахўжаевалар хирмонга топширган пахтасининг 30 процентга яқини хом. Сталин номли колхознинг Ўртоқ Карамат Маматқулов бригадасидан Тўйтепа пунктига юборилган 600 килограмм пахтанинг намлиги 0,9 процент бўлгани учун қайтарилган, бу пахтанинг 40 проценти етилмаган—чала пишган. «Ҳақиқат» колхозида ҳам шундай ҳолни кўрамиз.

Алимкент йўлидаги катта кўприкда 10 килограммга яқин пахта оёқ ости бўлиб ётибди. Аммо бу пахталарни териб олиш на Ильич номли ва на Куйбишев номли колхоз раҳбарларининг эсига келган.

Теримнинг дастлабки кунларидаги жиддий нуқсонларга район партия комитети, район ижроия комитети ва колхоз раҳбарлари майда камчилик деб қарамоқдалар. Натижада пахтани хом териш, чаноқда қолдириш, ерга тўкилганини териб олмаслик каби нобудгарчиликлар рўй берётир.

Район ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг V пленуми кўрсатмаларидан зарур хулоса чиқариб, пахтани нобуд қилмасдан, тез териб олишни уюштиришлари ва бу соҳадаги масъулиятсизликка жиддий зарба беришлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ВАХШ ВОДИСИДА

Душанба ва Кофарниҳон дарёларидан Кўктош бўйлаб ўтган кенг асфальт йўл ўркачли адрлар оралаб жануб тоғларига кўтарилади. Серқатнов йўлда турли машиналар ва суворилардан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Атрофда уфқни тўсиб, осмонга бўй чўзган тоғларда колхоз чорвалари ёйилиб ўтламоқда. Тоғлар оралаб тобора баландликка кўтарилган киши бу яқин ўртада на бир дарё ва на бир яшил экинзор бўлмаса керак деб ўйлайди. Бироқ шамол тезлигида кетаётган машиналар давони орқада қолдириб пастга югурадилар, кўп вақт ўтмай рўпарангиздан, тоғларни икки томонга суриб, ямяшил води яшнаб кўринади. Қоя тошлар ёнбағридан эртакл

Ўзбек адабиёти ва санъати дарсдаги олдидан

ГУЛХАН

Саида ЗУННУНОВА.

Ёзувчи Саида Зуннунова ўзбек хотин-қизлари озодлигига бағишланган «Гулхан» номли повестини ёзиб тамомлади. Повестда ўзбек хотин-қизларининг 1925 — 1927 йилларидаги, ёппасига паранжи ташлашга қадар бўлган даврдаги озодлик учун курашн тасвирланади. Биз қуйида шу повестдан парча босамиз.

(ПОВЕСТДАН ПАРЧА)

Адолат Мўттихоннинг олдига келганда Ҳамдам ака ҳам, Зебихон ҳам, кечаги жувон Хосиятхон ҳам шу ерда эди. Ҳамдам ака форма кийиб олган эди. Мўттихон пальто кийган, қорачадан келган семиз киши билан гаплашарди. Адолат улар билан секин саломлашиб, стулга ўтирди.

— Бунақа бўлмасин-да, Ўртоқ Нўмонов. Сизга ўхшаган большевиклар хотинларини очмасдан туриб, биз бошқаларнинг олдига нима деб борамиз?!

— Очилмай қаёққа борар эди,— деди Нўмонов, — очилди-ку ахир. Ҳаммадан олдин биз очдик-ку!

— Чинакам очилсин, кўзбўямачиликка эмас!

— И-е, гапингиз қизиқ тушди-ку!

— Мактабга боряптими?

— Боряпти-ку!

— Лекин ҳар куни эмас. Яна қанақа қилиб денг? Ёпиниб чиқиб кетади-ку, мактабга очиқ киради.

— Маҳалладан чиқиб олишга уяламан, — деяпти.

— Униси маҳалладан уялса, буниси маҳалладан уялса унда ишимиз нима бўлади? — Мўттихон мулойимлик билан давом этди, — шу ҳақда энди бизнинг орамизда гап бўлмасин, Ўртоқ Нўмонов. Сизга ўхшаган кишиларнинг хотинлари озодликнинг қашшофлари бўлиши керак.

— Гапга киритиш бир қийин бўлар экан, бу хотин кишини, — деди Нўмонов Ўрнидан тураётиб. — Хўп дейдию, мен кетгандан кейин ўзининг айтганини қилади.

Нўмонов хайрлашиб чиқиб кетди. Ёш, лекин гавдали бир милиционер йигит кириб, ҳамма билан саломатлашиб ўтирди.

— Демак, йигитлик, — деди Мўттихон ўтирганларга кўз югуртириб, — жўнасак бўлар.

Улар кўчага чиқишди. Адолат Зебихоннинг ёнига ўтди.

— Зебихон опа Гулнорни кўрдингизми?

Зебихоннинг лаблари қимтилди. Жавоб бермади. Нега индамайсиз? Кўрмадингизми?

— Гулнорни энди ҳеч ким кўролмайди. Энди у йўқ.

— Нима? Нима деяпсиз?

— Секин, — деди Зебихон Адолатнинг қўлини қисиб, — йигити билан учрашмоқчи бўлган экан. Эри сезиб қолиб ўлдириб қўйибди.

Адолатнинг нафаси ичига тушиб кетди. У, алам билан босган қадамини билмас, борган сари илгарилаб, уларнинг олдига ўтиб борар эди. Унинг кўзларида ёнган газаб дилини куйдирар, бир вақтлар бориши, айниқса шу ҳолда бориши ҳаёл қилмаган маҳалласига дадил, ҳамманинг олдида кириб борар эди. Кўчанинг бошида, гузарда қўлларини орқасига қилиб, ясанган бир киши турарди. Адолатни олмоқчи бўлган бой шу эди. Бой буларга мулойим, лекин заҳрхандалик билан қаради. Адолат унинг кўзига шундай бир газаб билан тикилдики, бой қовғини солиб юзини четга бурди... Астафурулло, дегани эшитилди унинг. Адолатни таниганлар унга ҳайрон бўлиб бақрайиб қараб қолар, баъзи бировлар юзини ўгирар, баъзи бировлар эшиттириб қарғар эдилар. Маҳалла тўс-тўполон бўлган, унинг келганини ҳамма эшитган эди. Лекин Адолат ҳеч нарсага қарамас, дадил олга борар эди. Булар Адолатларнинг ҳовлиларига етай деганда, ичкаридан Тожибой ака югуриб чиқди. Унинг қўлида пичоқ ялтилларди. Кетидан сарпойчан, ялангбош Тўтибу югуриб келарди.

— Ушланглар уни! Ўлдириб қўяди! Ҳой мусулмонлар!

Адолат тўхтади. Ҳамдам ака билан иккинчи милиционер йигит унинг олдига ўтиб Тожибой аканинг йўлини тўсишди. Тожибой ака телбага ўхшарди. Унинг кўзи Адолатга тушди.

— Дадажон, мен сизга нима қилдим, ахир?

Тожибой ўҳнграб йиғлаб юборди: Қўлидаги пичоқни ирғитиб орқасига қайтди.

— Шарманда қилдинг, қизим! Шармисор қилдинг! — Тожибой пешонасига уриб додлагаҳича уйига кириб кетди.

Зумрадларникига қадам қўяётганда Адолатнинг юраги титраб кетди Ранги докадек оқариб кетган Ширмонхон ҳовлида турарди. У, қўрққанидан юзини яшириши ҳам унутган эди.

— Зумрад қани? — Адолат унинг ёнига келиб тўхтади. Ширмонхон бир Адолатга, бир унинг кетида турганларга қарали-да, бирдан Адолатнинг бўйнига осилди.

— Зумрадни сен биласан. Сен яширгансан уни бузуқ, сен...

Адолат Ширмонхонни силтаб, итариб ташлади. Кейин ҳамроҳларини ўтинхонага бошлади. Ўтинхона энди саранжом эди. Фақат бир бурчакка тўкилган ниста кўмирнинг тагидан шиббаланмаган тупроқ кўриниб турарди. Ҳамдам ака Мўттихонга кўмирнинг тагини ишора қилди.

— Нима ҳақларинг бор, бировникига киришга?! Нима бор ўтинхонада? Вой дод, ҳой мусулмонлар! Қандай кунга қолдик.

— Шаллақилик қилманг! — Мўттихон жеркиб ташлади уни, — бакирманг, фойдаси йўқ.

Дарвоза тагига одамлар тўпланган, улар мўралашишар, лекин ичкарига киришга ҳеч кимнинг юраги ботинмасди. Ширмонхон ўтинхонадан югуриб чиқди.

— Бор, ҳой, муллакангни чақириб кел, — деди тамоша қилиб турган қўшни болаларидан бирига. Бола югуриб чиқиб кетди.

Бел билан кўмирни сураётган Ҳамдам ака, Адолатга қаради!

— Кетмон бўлса яхши бўлар эди.

Адолат ҳовлига чиқмоқчи бўлган эди, Мўттихон уни тўхтатиб ўзи чиқди.

— Битта кетмон олиб келинглар, — деди у эшик тагида тўпланиб турган одамларга қараб. Бир зумда ёшгина бир йигит кетмон олиб кириб келди. Ширмонхон йиғлаб гоҳо ўтинхонага, гоҳ ҳовлига чиқарди. Адолат нафасини ютиб кетмон олиб ташлаётган тупроқдан кўзини олмай деворга қимтиниб турарди. Ҳамма жим. Фақат бел билан кетмон овози эшитилади, холос. Совуқ бўлишига қарамасдан Ҳамдам акадан тер қуйиларди.

— Вой! — Адолат даҳшат билан қичқириб, қўллари билан юзини тўсди. Ҳамдам ака тўхтади. Тупроқдан қон аралаш соч кўринган эди. Мўттихон яқин келди.

— Секинроқ, кетмон тегиб кетмасин, озор бермай олинглар, — деди титроқ товуш билан.

Зумрад топилган куннинг эртасидаёқ Ширмонхон билан ўғли қамоққа олинди. Дадаси воқиани эшитибоқ қочган экан, эртаси куни Марғилондан, станциядан тутиб келишди.

Мўттихон Зумрадни кўмиш маросимини намойишга айлантириш ва жасадни тўппа-тўғри шу ҳовлидан олиб чиқиб кетиш ниятида эди. Бу ёвузлик шу маҳалладаги баъзи бир кишиларнинг кўзини очишга ёрдам берар, деб ўйларди.

Адолат овоз чиқармасдан тўлиб-тўлиб йиглар, ўртоғини ташлаб кетгиси келмасди.

— Юринг Адолат. Сизни бу ерда қолишингиз тўғри келмайди. Ёлғиз қолдирмаймиз. Бошқа ўртоқлар қолади, — Мўттихон Ҳамдам акага ўгирилди.

— Одамлар кириб кўрамиз деса, йўқ деманг. Ўз кўзлари билан кўришсин, билишсин, тушунишсин.

Маҳалла хотинларининг деярлик ҳаммаси Зумрадни кириб кўрди. Баъзи бир хотинлар йиглаб, бағри тош отани қарғаб чиқиб кетар, баъзи бировлари қўрқиб ҳушидан кетгандай бўлар эди. Дарвоза тагидан одам аримас, шивир-шивир тўхтамасди.

Совуқ бўлишига қарамасдан кўкраги очиқ, оппоқ яхтак устидан қора сатиндан чопон қийган, бошига шоҳи қийиқ боғлаган барваста йигит дарвоза тагидаги одамларни суриб, ичкарига интилди. Унинг уйга кириб кетаётганини кўрган хотинлардан бири:

— Вой ўлай, уни киритманглар. Қиз болани номаҳрам кўриб нима қилади! — деб бақирди. Йигит ҳеч нарсага қулоқ солмай уйга отилди. Зумраднинг бошига бориб, даҳшат билан унга бир лаҳза тикилиб турди-да, бирдан ҳўнграб йиглаб юборди. Бу Низомжон эди. Набижон уни танимаса ҳам фаҳмлаган эди. Набижон анча вақт шу тахлитда ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, докадек оқариб кетган юзини Ҳамдам акага ўгирди.

— Сизлар кетаверинглар, ўзим ўтираман.

— Майли, ҳамроҳ бўласиз, — деди Набижон меҳрибонлик билан. Низомжон чопонини ечиб, чойшаб устидан Зумраднинг жасадини ўради...

Адолат шу икки кун ичида сўлиб, озиб қолди. У, Зумраднинг ўлимига сира-сира чидаёлмасди. Уни кўмиш учун тўпланган одамлар билан маҳалласи томонга кетар экан, кўз ёшини тиёлмас, секин-секин хўрсиниб борар эди. Кўмиш маросимига қатнашиш учун юзлан ортиқ одам йиғилган эди. Мўттихон маҳаллаларидаги «Ҳужум» комиссиясининг аъзоларининг ҳаммасини чақиртирган эди. Йиғилганларнинг кўпчилиги хотин-қизлар бўлиб, улар орасида очиқлар ҳам, паранжиликлар ҳам бор.

Тобутни кўчага олиб чиқишди, бўралаб қор кўз очиргани қўймас, лекин йиғилган одамлар совуқдан оёқ типирлатиш эмас, киприк ҳам қоқмас эдилар. Ҳамма жим. Тиллар гапга келмайди. Лекин юракда туғён қилаётган алам юзларда кўриниб турибди. Одамлар тобут орқасидан секин-секин жила бошладилар! Уларнинг сафи маҳалладан чиққунгачаёқ кўпайиб кетди. Ҳар қадамда уларнинг қаторига хотинлар, чоллар, йигитлар қўшила борарди.

Чеккасига қора хошия тутилган байроқ олдинда хомушлик билан силкиниб, қилшираб борарди. Тобутнинг бир томонини кўтарган Низомжон уни бошқа ҳеч кимга бермас, гўё бу йўлни охирига етказгиси келмагандай борган сари қадамини секинлатарди.

Одамлар оқими борган сари кўпайиб, тўлқинланиб борар, гўё бутун куч ва даҳшатини тўлқинлар орасига яширган, усти тинч оқаётган денгизга ўхшар эди. Зумрадни жойига қўйганларидан кейин хотинлар мотам байроғи билан тўппа-тўғри суд залига келдилар. Залда одам тўла бўлса ҳам, пашша учса эшитилгундек жимжит. Бировнинг кўзида газаб, бировнинг кўзида ёш. Биров нафасини ютиб, суд раисининг оғзига тикилган. Судга кира олмай қолган одамлар эшикдан бўйлаб қулоқ тутишади. Деразага тирмашган кишиларнинг башаралари совуқдан гул тушган дераза ойналаридан олачипор бўлиб кўриниб турар, лекин уларга ҳеч ким аҳамият бермас, қарамас эди.

Қора курсида эри билан ўғлининг ўртасида ўтирган Ширмонхон ғўжанак бўлиб олган, қимирламасди.

Адолат Ширмонхондан кўзини узмас, иложи бўлса унинг юзидаги чимматини улоқтириб ташлаб, башарасини одамларга кўрсатгиси, кўзига тикилиб туриб бир-икки оғиз гапиргиси келарди.

Одамларнинг олдида, бурчакда Низомжон турибди. Унинг фъели бузуқ, қўйнига қўлини солиб, нимандир гапиргиси, худди калхатга ташланмоқчи бўлган лочиндек шайланиб турарди. У, тишларини қисиб гоҳ суд раисига, гоҳ Зумраднинг қотилларига қарар, афтидан хукмни бетоқатлиқ билан кутарди. Адолат унинг кўзини учратиб туриб, керакмас, деган маънода секин бошини қимирлатиб қўйди.

— Эрингизнинг гапларини тасдиқлайсизми?

— Нима? Ширмонхоннинг овози титради.

— Ўрнингиздан туриб жавоб беринг, — деди кимдир.

Ширмонхон ерга қараб ўтирган эрига секин назар ташлаб қўйиб, ўрнидан турди.

— Зумрадни ўлдирмасдан аввал эрингизга унинг ҳақида нималар деган эдингиз?

— Нима дебман? Ҳеч нарса деганим йўқ! Каламилло урсин, ўлдиринг деганим йўқ мен.

— Эрингиз айтганда эшитмадингизми?

— Ҳа энди ман шунчаки айтдим — қўйдим-да. Кимлигини билмасам ҳам бировни яхши кўришини сезиб юрардим. Шуни айтдим, холос. Ўзи ўлдираман деди. Менга нима? Зумрадни ман тугибманми? Ўз отасининг жони ачимагандан кейин нима дердим ман!

Залда гала-говур бошланди. Қандайдир аёл «хотин бўлмай ўл!» деди бақириб. «Ўлим жаллодларга!», «отилсин», «оломонга қўйиб берилсин» деган овозлар янгради. Отилиб Адолат ўртага чиқди. У, қизил алвон ёпилган стол олдида турган мотам байроғини ушлаб, одамларга кўз югуртирди. Ҳамма бирдан жим бўлиб унга тикилди.

— Мен... мен Зумраднинг қалин ўртоғиман. Бирга ўсган эдик биз. Мана шу ноинсоф хотин, — Адолат қўлини Ширмонхонга чўзди, — мана шу бағри тош ота бизни ундан жудо қилди. Шундай бир сўз йўқки, бу ваҳшийларнинг юзига айтиб, ўртоғим учун аламимни олсам... Зумраднинг гуноҳи, одам қатори яшашга урингани, холос. Бунинг нимаси гуноҳ, ахир! Хотин-қизларни камситишга, хўрлашга энди йўл йўқ! Биз... биз Зумрад учун, Зумрадга ўхшаган ўртоқларимиз учун, ҳаммаси, ҳаммаси учун қасос оламиз. Уларни унутмаймиз. Битта Зумраднинг ўлгани ўнлаб Зумрадларнинг кўзини очади.

Адолат тўғрига, бўшлиққа тикилди. Овозини бироз пасайтириб давом этди:

— Бир куни Зумрад менга қараб, ўртоқжон, ҳукуматимиз хотин-қизларга дўст эмиш. Улар ҳам ўз ихтиёри, ўз эрки билан одамдек яшасин деяр эмиш. Ўша ҳукумат бизникига қачон келаркин-а?! — деган эди... Ўртоқжон! — Адолатнинг овози титраб, кўзидан ёш оқди, — мана ҳукумат сеникига келди. У, ўлимингдан кейин бўлса ҳам, сен учун ўч олади... Мен, — Адолат мотам байроғини баланд кўтарди, — мен бутун хотин-қизлар номидан Зумраднинг қотилларига ўлим жазоси берилишини талаб қиламан!

Залда гала-говур аралаш қарсак кўтарилди. Кимдир чинқириб гурсиллаб полга йиқилди. Бу Ширмонхон эди.

Болгария Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Москвадан жўнаб кетди

13 сентябрда Болгария Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси «ТУ-104» самолётида Москвадан Пекинга жўнаб кетди. Делегацияга Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Антон Югов бошчилик қилмоқда. Делегация Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси ва Мўғулистон Халқ Республикасига боради.

Болгария Халқ Республикаси ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ҳукумат делегациясини Н. И. Беляев, А. Н. Косигин ўртоқлар, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патоличев ва бошқалар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

Югославия парламент делегацияси Москвага келди

Югославия Федератив Халқ Республикасининг ЮФХР Иттифоқ Халқ скупщинасининг раиси Петр Стамболич бошчилигидаги парламент делегацияси Хитой Халқ Республикасига кета туриб, 13 сентябрда Москвага келди. (ТАСС).

Француз республикачи радикаллар ва радикал-социалистлар партияси аъзоларининг Ўзбекистонда бўлиши

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Француз республикачи радикаллар ва радикал-социалистлар партияси делегацияси аъзоларининг бир группаси делегация раҳбарининг ўринбосари, партиянинг бош секретари, собиқ министр Поль Анаксьонназ бошчилигида икки кун Ўзбекистонда бўлди.

Франциядан келган меҳмонлар Ўзбекистон республикасининг экономикаси ва маданияти билан танишдилар. Улар анчагина вақтларини Қорасув районидаги Ленин номли колхозда ўтказдилар. Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Нормуҳаммедов делегация аъзоларининг саволларига жавоб қайтариб, коллектив хўжаликнинг тузилиш тарихи тўғрисида, унинг структураси тўғрисида, бу ерда экиладиган экинлар тўғрисида, дала ишларини механизациялаштириш, колхозчиларнинг турмуш шароити, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида сўзлаб берди. Делегация аъзолари бутун йил айланасида намидор етиштириладиган колхоз тепаликларини, чорвачилик фермаларини, боғ ва токзорларни кўздан кечирдилар. Меҳмонлар Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» қишлоқ хўжалик артелининг пахта далаларида бўлдилар.

Делегация аъзолари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния назоратининг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар, мачитларнинг бирида намоз вақтида ҳозир бўлдилар.

13 сентябрь кечқурун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. М. Мусахонов француз республикачи радикаллар ва радикал-социалистлар партиясининг аъзолари шарафига қабул маросими ўтказди. Меҳмонларга эсдалик учун совғалар тақдим этилди. Қабул маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев, республика Олий Советининг ташқи ишлар комиссиясининг раиси Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент иқтисодий-маъмурий райони халқ хўжалиги кенгашининг раиси Э. Эгамбердиев, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг масъул раҳбари Р. С. Саҳибоев, чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ш. К. Ширинбоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари қатнаб олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова меҳмонларни табриклаб дедики, республиканинг меҳнаткашлари уларни ўз ҳаёти билан, халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантиришда эришган ютуқлари билан таништиришдан хурсанд бўлдилар.

Делегация бошлиги Ги Дессон ўзининг жавоб сўзида айтдики, мен ва менинг ҳамроҳларим Ўзбекистон тўғрисида, халқнинг ўз ижодий меҳнатда эришган ажойиб ютуқлари тўғрисида кўп нарса эшитганмиз деди. Сизнинг республикангизни, деди у, биз ажойиб бир мамлакат деб тасаввур қилмоқдамиз ва у билан бевосита танишиш имкониятидан хурсандмиз. Бу танишлик биз учун айниқса ёқимлидир, чунки Ўзбекистон республикаси, бошқа совет республикалари сингари, тинчлик сари интилмоқда.

Бироз дам олгандан кейин делегация Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумида бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ташқи ишлар комиссияси раиси Р. Ғ. Ғуломов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. М. Мусахонов, республика Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомованинг иштироки билан ўтказилган суҳбатда меҳмонлар республикада хўжалик ва маданий қурилиш ишлари билан, Ўзбекистон ССРнинг давлат тузилиши билан батафсил таништирилдилар. Делегация аъзолари пахтачиликни ривожлантиришга, ирригация хўжалигига, уй-жой қурилишига, республика бюджети, ишчиларнинг меҳнат шароити, халқ маорифининг аҳволига тааллуқли кўп саволлар бердилар. Бу саволларнинг ҳаммасига тўла жавоблар қайтарилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ташқи ишлар комиссияси раиси Р. Ғ. Ғуломов, суҳбат вақтида турли мамлакатларнинг парламент аъзолари ўртасидаги алоқаларнинг фойдали бўлишини айтиб ўтди. Шунингдек бундай алоқалар тинчликни мустаҳкамлашга, халқлар ўртасидаги ҳамдамликни яхшилашга ёрдам беради, деб таъкидлади.

Делегация бошлиги Ги Дессон Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Франция Миллат мажлисининг депутатларига кўрсатилган илтифот учун миннатдорчилик билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Тошкент иқтисодий-маъмурий райони халқ хўжалиги кенгашига бордилар ва унинг раиси Э. Эгамбердиев томонидан қабул қилиндилар. Суҳбат давомида улар саноатга раҳбарликни қайта қуриш, иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан амалга оширилган тадбирларнинг натижаси билан қизиқдилар.

Франция Миллат мажлиси депутатларининг илтимосига мувофиқ, Э. Эгамбердиев уларга халқ хўжалиги кенгашининг структураси тўғрисида, унинг иш тажрибаси тўғрисида гапириб, Тошкент иқтисодий-маъмурий районини таърифлаб берди. Янги шароитда биринчи уч ой давомидаги иш, деди у, саноатга раҳбарлик қилишнинг ҳозирги методларининг катта афзалликларини яққол кўрсатмоқда. Халқ хўжалиги кенгаши томонидан бирлаштирилган корхоналар белгиланган топшириқларни доим ошириб бажармоқдалар, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган резервлардан тобора яхшироқ фойдаланмоқдалар.

Сўнгра меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдилар.

Делегация аъзолари Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диния назоратида бўлиб, унинг раҳбарлари билан учрашдилар. Диния назоратининг раҳбарлари уларга диндорларнинг турмуши ҳақида сўзлаб бердилар. Совет Иттифоқидаги мусулмонларга ўз диний маросимларини адо этиш учун тўла эркинлик берилганлигини айтдилар.

Кечқурун Франция Миллат мажлисининг депутатлари Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг ёзлик биносида республика пойтахти санъат усталарининг концертида бўлдилар. (ЎзТАГ).

ФРАНЦИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети депутатлари совет-француз группасининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида бўлган Франция Миллат мажлиси депутатлари 14 сентябрда Тошкентга келдилар. Келганлар орасида Франция Миллат мажлисининг депутатлари Ги Дессон (делегация бошлиғи), Алико Бертэ, Роллан Дюма, Альфонс Дени, Луи Пюй, Бернар Монсо, Поль Госсэлар бор.

Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. М. Мусахонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари К. Р. Рузматов, Х. И. Юсупова, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, Ўзбекистон телеграф агентлигининг масъул раҳбари Р. С. Саҳибоев, чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Ш. К. Ширинбоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова меҳмонларни табриклаб дедики, республиканинг меҳнаткашлари уларни ўз ҳаёти билан, халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантиришда эришган ютуқлари билан таништиришдан хурсанд бўлдилар.

— Мен... мен Зумраднинг қалин ўртоғиман. Бирга ўсган эдик биз. Мана шу ноинсоф хотин, — Адолат қўлини Ширмонхонга чўзди, — мана шу бағри тош ота бизни ундан жудо қилди. Шундай бир сўз йўқки, бу ваҳшийларнинг юзига айтиб, ўртоғим учун аламимни олсам... Зумраднинг гуноҳи, одам қатори яшашга урингани, холос. Бунинг нимаси гуноҳ, ахир! Хотин-қизларни камситишга, хўрлашга энди йўл йўқ! Биз... биз Зумрад учун, Зумрадга ўхшаган ўртоқларимиз учун, ҳаммаси, ҳаммаси учун қасос оламиз. Уларни унутмаймиз. Битта Зумраднинг ўлгани ўнлаб Зумрадларнинг кўзини очади.

Адолат тўғрига, бўшлиққа тикилди. Овозини бироз пасайтириб давом этди:

— Бир куни Зумрад менга қараб, ўртоқжон, ҳукуматимиз хотин-қизларга дўст эмиш. Улар ҳам ўз ихтиёри, ўз эрки билан одамдек яшасин деяр эмиш. Ўша ҳукумат бизникига қачон келаркин-а?! — деган эди... Ўртоқжон! — Адолатнинг овози титраб, кўзидан ёш оқди, — мана ҳукумат сеникига келди. У, ўлимингдан кейин бўлса ҳам, сен учун ўч олади... Мен, — Адолат мотам байроғини баланд кўтарди, — мен бутун хотин-қизлар номидан Зумраднинг қотилларига ўлим жазоси берилишини талаб қиламан!

Залда гала-говур аралаш қарсак кўтарилди. Кимдир чинқириб гурсиллаб полга йиқилди. Бу Ширмонхон эди.

ЭЛЕОНОРА РУЗВЕЛЬТ ХОНИМ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Совет Иттифоқи бўйлаб туристлик сафари қилиб юрган Америка Қўшма Штатларининг собиқ президенти Франклин Делано Рузвельтнинг тул хотини—АҚШ жамоат арбоби Элеонора Рузвельт хоним 14 сентябрда «ТУ-104» самолети билан Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Пекинда техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган йирик радио асбоблар заводи қурилиб битказилди. Суратда: завод цехларидан бирида асбоблар тайёрлаш пайти.

Юй Хуэй-жу фотоси, Синьхуа агентлиги.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 13 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси махсус сессиясининг кеча кундузги мажлисида Чехословакия вакили Й. Ульрих сўзга чиқиб айтдики,, «Венгрия комитети» деб аталган комитетнинг қалбаки материалларга асосланган доклади Бош Ассамблеяда муҳокама қилдирилаётганлигидан мақсад Венгриянинг ишчи-деҳқон ҳукуматига, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга туҳматдан иборат ҳужумларни яна бошлаб юборишдир.

Ульрих АҚШ конгресси социалистик мамлакатларда жосуслик ва қупорувчилик ишлари олиб боришни маблағ билан таъминлаш тўғрисида 1951 йилдаёқ қонун қабул қилганлигини эслатиб, контрреволюцион исён раҳбарлари Америка пули билан қандай тайёрланганлиги ва Венгрияга юборилганлигини конкрет мисоллар билан кўрсатиб ўтди.

Бош Ассамблея, деди Ульрих империалистик доираларнинг бутун дунё халқларининг манфаатларига зарар ва зиён етказишдан иборат ўз мақсадлари йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўсидан фойдаланмоқчи бўлиб қилаётган уринишларини рад этиши лозим. Жаҳон халқлари Бош Ассамблеянинг Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни ҳимоя қилиш, Жазоирдаги мустамлакачилик уришини тўхтатиш йўлида актив ҳаракатлар қилишини ва қуролсизланиш соҳасида амалий чоралар кўришини кутмоқдалар.

Бирма вакили У Тан «Венгрия масаласини совуқ муносабатлар уруши воситасига айлантириш ҳаракатларига қаршилик кўрсатишга» чақирди. У айтдики, «Венгрия масаласи» Бош Ассамблея XII сессиясининг кун тартибига киритилиши «ҳеч қандай фойдали мақсадга хизмат қилиши мумкин эмас». У Тан шу масалага бағишлаб ҳозирги сессия чақирилганлигини «энг қайғули воқеа» деб айтди, чунки Жазоирдаги аҳвол масаласи сингари гоят зарур масалалар турибди, ҳозирги вақтда Жазоирда «ҳар кун қон тўкилмоқда» деб уқтириб ўтди.

Сўнгра, Бирма делегати, «Венгрия комитети» деб аталган комитетнинг ҳамма хулосаларига қўшила олмайман деди ва шунга яраша резолюцияни ўзгартишни таклиф қилди.

Бу мажлисда Франция, Канада, Гватемала ва Сальвадор вакиллари ҳам сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси Венгрия Халқ Республикасига ва Совет Иттифоқига қарши тўқилган уйдирма туҳматларни ўзларича такрорлаб гапирдилар ва Американинг резолюция проектини қувватлаб чиқдилар. Сўзга ёзилган нотиқлардан ҳеч ким сўзга чиқишни истамаганлиги сабабли, кечқурунга мўлжалланган мажлис ўтказилмайдиган бўлди.

НЬЮ-ЙОРК, 13 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг арталабки мажлисида Ҳиндистон делегати А. Лал сўзга чиқди. Ҳиндистон делегациясининг фикрича, деди у, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз вазифаларини муваффақиятли бажара олиши учун дўстона вазиятни сақлаб қолиш энг муҳимдир.

А. Лал «Бешлар комитетини» тузиш вақтида Ҳиндистон делегацияси бу комитет ҳеч қандай фойда келтирмайди, деб оғоҳлантириб ўтганлигини эслатди.

Ҳиндистон вакили, делегатлар барча чет эл қўшиларини бошқа давлатларнинг территориясидан олиб чиқиб кетиш идеясига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари Венгрияга борсин, деб илгари қилинган таклифга катта эътибор билан қарасалар яхши бўлур эди, деб истак билдирди. Ҳиндистон делегати «Венгрия масаласи»га доир америка проекти ёки бошқа бирор резолюция қабул қилинмасин, деди. Бундай резолюциялар қабул қилиниши, деди у, ҳеч қандай фойда келтирмайди, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида турган бошқа муҳим масалаларни ҳал қилишни қийинлаштиради, холос.

ПОЛЬША ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЮГОСЛАВИЯДА БЎЛИШИ

БЕЛГРАД, 13 сентябрь. (ТАСС). «Борба» газетасининг ёзишича, ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка ва Министрлар Советининг раиси Ю. Циранкевич бошчилигидаги Польша партия-ҳукумат делегацияси кеча Люблянадан Бриони оролларига келган.

Делегация билан бирга Бриони оролларига ЮФХР президенти И. Броз Тито, Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари А. Ранкович ва Польша партия-ҳукумат делегациясининг ҳамроҳлари ҳам келган.

БИЛДИРИШ

Шу йил 16 сентябрь соат 16 да Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг мажлислар залида (Пушкин кўчаси 1-уй) лекторларнинг илмий-атеистик темада шаҳар семинари бўлади

Шаҳар партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 15/IX да **Ганг дарёсининг қизи**, 17/IX да **Аломат ҳодиса.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/IX да кундуз **Вертер**, кечқурун **Уйқудаги гўзал**, 17/IX да **Фра Дьяволо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Сталин номли паркдаги ёзги бино) — ёзги мавсумнинг ёпилиши олдидан—15/IX да **Равшан** ва **Зулхумор.** Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров** қатнашади, 16/IX да **Азиз** ва **Санам.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (қишки) — 1 ва 2-залда кундуз ва кечқурун **Йўлдаги соя**, 3-залда кундуз ва кечқурун **Бечора севимли онам.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Йўлдаги соя.**

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8-20 минутда **Йўлдаги соя**, кеч 10 да **Бечора севимли онам.**

КАФАНОВ номли — кеч соат 8-40 минутда **Йўлдаги соя**, кеч 10 яримда **Бечора севимли онам.**

«ХИВА» — **Йўлдаги соя.**

«САЛЮТ» — кеч соат 8 да **Иккови ҳам бир кварталдан.**

РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА ВА ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА

1957 йилнинг IV квартали учун

обуна қилиш

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида, республиканинг барча алоқа конторларида, шаҳар ва қишлоқ бўлимларида, шунингдек ўқув юртлари, муассаса, фабрика, завод, колхоз, совхоз ва МТС лардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

«Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида обуна ҳар куни соат 9 дан 19 гача, якшанба кунларида эса соат 9 дан 18 гача қабул қилинади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

Калинин район, Кўктерак қишлоғида турувчи **Илҳом Имомовнинг** шу қишлоқда турувчи Бўрихон Аҳмедова (Имомова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район, 1-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040